Халқ дениздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ ШАВВОЛ, 1-КУН
ШАМСИЙ. 1370 ЙИЛ ҲАМАЛ, 27-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган | 1991 йил 16 апрель, сешанба, 73-сон | НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ КОМПЛЕКСИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАЪМИНЛАШ ВА ТЕХНИКАНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Республика колхозлари, совхозлари, деҳқончилик-саноат комплекси корхоналари ва ташкилотларини ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаларининг моддий-техникавий ва муҳандислик таъминотини тубдан яхшилаш, бозор иқтисодиётига ўтиш даври шароитида хўжалик алоқаларини ривожлантириш мақсадида қарор қиламан:

1. Деҳқончилик-саноат комплексининг моддий-техникавий ва муҳандислик таъминоти бош бошқармаси, унинг республика, вилоят, районлараро ва район бўлинмалари негизида Ўзбекистон ССР деҳқончилик-саноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техникани ремонт қилиш давлат-кооператив комитети тузилсин.

Ўзбекистон ССР деҳқончилик-саноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техникани ремонт қилиш давлат-кооператив комитети фаолияти пайчиларнинг якка ва жамоа аъзолиги, кооператив, давлат, қўшма, ижарачи, хусусий ва жамоат ташкилотлари ва корхоналари ҳамда республика деҳқончилик-саноат комплекси соҳасида якка тартибда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ихтиёрий иштироки қоидалари асосида амалга оширилади, деб белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон ССР деҳқончилик-саноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техникани ремонт қилиш давлат-кооператив комитети ихтиёрий равишда шартнома асосида ўзининг тўла мустақиллиги ва ҳуқуқий шахс мақомини сақлаб қолган ҳолда иттифоқ ва республика давлат, кооператив ва аралаш бирлашмалари ҳамда уюшмаларига қўшилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР деҳқончилик-саноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техникани ремонт қилиш давлат-кооператив комитети молия-иқтисодий, хўжалик ва ижтимоий фаолият билан боғлиқ барча масалаларни мустақил ҳал қилади, маҳсулот етказиб берувчилар, истеъмолчилар, пудратчилар, бюджет билан ҳисобкитоб ишларини амалга ошириш учун банк муассасаларида пул ва хорижий валюта ҳисоб варақаларини очади, қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарздан фойдаланади.

2. Ўзбекистон ССР деҳқончилик-саноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техника ремонти давлат-кооператив комитети зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Деҳқончилик-саноат комплекси истеъмолчиларини ишлаб чиқариш-техника учун мўлжалланган маҳсулотлар билан таъминлаш, маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан улгуржи савдо ва бевосита алоқалар йўли билан сотиладиган маҳсулотларни етказиб беришга доир ишларни ташкил этиш, шунингдек битимлар, хўжалик шартномалари, ҳукуматлараро битимлар асосида маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасида воситачилик фаолиятини ривожлантириш;

республика деҳқончилик-саноат комплексининг ресурслари имкониятларидан фойдаланиб моддий-техника воситаларини алмаштириш жамғармасини барпо этиш, заҳирани вужудга келтириш, бозорни барқарорлаштириш фондини барпо этишда қатнашиш, истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида таркиб топган ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини қувватлаш ва ривожлантириш;

деҳқончилик-саноат комплекси истеъмол бозорининг ишлаб чиқариш техника учун мўлжалланган моллар билан тўлдирилишига, савдо-воситачи ва тижорат ташкилотлари барпо этишга, улгуржи ёйма бозорлар ўтказишга кўмаклашиш;

хорижий фирмалар билан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

деҳқончилик-саноат комплекси корхоналари ва ташкилотларининг қурилаётган ва янгиланаётган иншоотларини зарур материаллар, бутловчи буюмлар ва ускуналар билан таъминлаш;

шартнома муносабатлари негизида колхозлар, совхозлар ҳамда деҳқончилик-саноат комплекси бошқа қишлоқ хўжалиқ корхоналари ва ташкилотларига ишлаб чиқариш соҳасида хизмат кўрсатишни, техника ва машина-ускуналарни ремонт қилишни ривожлантириш.

3. Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков Ўзбекистон ССР деҳқончилик-саноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техника ремонти давлат-кооператив комитети тўғрисидаги қарор ва низом лойиҳаларини тайёрлаб Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига тақдим этсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1991 йил 15 апрель.

Хатирчи районидаги «Олтинсой» давлат хўжалиги чўпони Бобоқул бобо ва ўғли Холмурод учун бу йилги мавсум маҳсулдор бўлди. Улар ижарадаги бир отар қўйни икки отарга кўпайтирдилар,

Тоҳир НОРҚУЛ олган сурат.

СССР ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Президенти М. С. Горбачев Япония бош министри Т. Кайфуниинг таклифига биноан 14 апрель куни Москвадан Токиога жўнаб кетди. Расмий ташриф буюраётган совет давлатининг бошлиғи билан бирга унинг сафарида ҳамроҳлик қиладиган СССР ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертних, СССР маданият вазири Н. Н. Губенко, РСФСР Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. М. Исаев, СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазири К. Ф. Катушев, РСФСР ташқи ишлар вазири А. В. Козирев, РСФСР Олий Кенгаши халқаро ишлар комитетининг раиси В. П. Лукин, Ёқут-Саха ССР Олий Кенгашининг раиси М. Е. Николаев, КПСС Марказий Комитетининг котиби, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлимининг мудири, СССР Олий Кенгаши халқаро ишлар комитетининг аъзоси В. М. Фалин, СССР Президентининг катта маслаҳатчиси А. Н. Яковлев жўнаб кетдилар.

Токиога бориш йўлида М. С. Горбачев Хабаровскда тўхтаб ўтади.

Аэродромда совет давлатининг бошлиғини СССР вице-президенти Г. И. Янаев, СССР Олий Кенгашининг раиси А. И. Лукьянов, СССР бош вазири В. С. Павлов, СССР хавфсизлик кенгашининг аъзолари В. В. Бакатин, В. А. Крючков, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитети бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Японияннинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Х. Сигета ва Корея Республикасининг СССРдаги элчиси Гон Ро Мен бор эдилар.

(ТАСС).

БОШ КОНСУЛХОНАДА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Афғонистон жумҳуриятининг Тошкентдаги бош консулхонасида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ходимлари билан учрашув бўлди. Учрашувни Афғонистон ташқи ишлар вазирлигининг вакили Х. Эбодий бошқарди.

Учрашувда бундан уч йил аввал Женевада Афғонистон теварагидаги вазиятни сиёсий йўл билан бартараф этиш тўғрисида битим имзоланганлиги таъкидланди. Бироқ бу битимни Покистон томони мунтазам бузмоқда. Хост шаҳрининг босиб олингаилиги бунинг далилидир.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

«Халқ сўзи»нинг сайёр гуруҳи оқолтинликлар ҳузурида

БИРИНЧИ ОШКОРА МУЛОҚОТ

Пировард натижада қанақа фойда келтирди?

ЧОРЛОВ БОИСИ

Ҳар куни рўзномамиз таҳририятн номига турли тоифадаги муаллифлардан ўнлаб хат келади. Бу мактубларни бир-бир варақлар экансиз, ташвиш ва куюнчаклик, ҳаяжону самимият, ишончу ихлос сурати чизилган сатрлар диққатингизни ўзига жалб этади. Мана ана шулардан намуна:

«Очиғини тан олиш керак, кейинги йилларда рўзнома ва ойномаларнинг ижодий ходимлари халқдан анча узоқлашиб кетдилар,— деб ёзади Тошкент районидаги Саноат маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳикматжон Икромов.— Ишчи ва қишлоқ меҳнаткашларининг хат-хабарларидан фойдаланиш, саҳифаларда уларга кўпроқ ўрин ажратишга аҳамият берилмай қўйилди. Натижада рўзномаю ойномаларни раҳбар ходимларнинг тўшакдай-тўшаклай, таъсирсиз мақолалари, халқ дардидан йироқ, мажлисдаги димиққан хоналарда ўтириб тўқилган ваъзномаю мадҳномалар эгаллай бошлади. Назаримда, узоқ давом этган уйқудан энди уйғонаётгандекмиз... «Халқ сўзи»нинг қўлга теккан сонлари шундан далолат бермоқда».

Тошкентлик муштарий Саъдулла ота Юсупов эса ўзининг дил изҳорини бундай баён қиладилар:

— «Халқ сўзи»нинг дастлабки одимлари қутлуғ бўлаяпти. Тангридан унинг маслак ва мақсадидан оғмай, ҳақиқатга эш бўлиб фаолият кўрсатишини сўрайман. Жамоанинг қалами ўткир, нигоҳи тийрак ижодий ходимларини Оллоҳ ёмон кўздан, совуқ нафсдан, шайтон хуружидан, нафс балосидан, мунофиқлигу жамики офатиллатдан асрасин. Эндигина туғилган чақалоқ ривоҳ билмайди. Унинг эзгуликдан бўлак муддаоси йўқ. Ишончим комилки, ўз тили, дили ва дини борлиғини энди тушуниб етаётган ўзбек халқи рўзнома саҳифаларидан имон, эътиқод, инсоф, одоб тўғрисидаги мақолаларни ўқиб, моддий очликдан кўра руҳий «қашшоқлик»нинг хавфлилигини яна бир карра ҳис этади...

Дарҳақиқат, азиз муштарийлар, ёдингизда бўлса, 1990 йилнинг адоғида чоп этилган нишона сонида: «...рўзнома барча даражадаги депутатлар, жамиятимиз ҳамма қатламлари, жумладан сайловчилар билан қон томири бўлади. Тил топишиб, дилдан гаплашиб, эзгу мақсадларга эришув йўлларига ҳамкору ҳамнафасу ҳамдўст ишлаш Ўзбекистонимиз равнақу ривожини, нурафшон келажагини таъминлашнга имон қомил. Биринчи салом, салом ва таъзим меҳнаткаш, доиншу зукко халқимизга бағишлангай», дея ваъда бергандик. Мана тўрт ойдирки, таҳрир ҳайъати, бўлим муҳаррирларию мухбирларимиз ана шу эзгу ниятда бел боғлаб астойдил хизмат қилмоқдалар. Ҳафтада беш марта чиқадиган сонларда қуйидан юқоригача советлар ҳаёти навбатма-навбат ўз ифодасини топаяпти, депутатларнинг омма билан алоқаси, сайловчилар топшириқларини қандай бажараётганликлари, бурч тақозоси ила турли маҳкамаларга мурожаат этганларида ҳамон умрини тугатмаган ва тугатишни истамаётган маъмурий-буйруқбозлик деворларига бошлари текканда чекилаётган изтироблар, хуллас, минг бир хушу нохуш воқеа-ҳодисалар эса баҳоли қудрат ўз аксини топаётир. Бошқача айтганда, қўплаб муштарийлар таъжидлашганидек, рўзнома меҳнаткашларнинг орзу-ўйлари, интилишларини ифодалай бориб, ҳаётимизда учраётган иллатларни йўқотишда халқнинг дастёрига айланмоқда.

Бироқ, таассуфки, яхши ният, эл-юрт фаровонлиги йўлида қўйилаётган кўпдан-кўп хайрли қадамлар баъзи раҳбарларнинг калондимоғлиги, яъни меҳнат аҳлидан узоқлашиб, оёғи ердан узилиб қолганлиги сабабли кутилган натижаларни бермаяпти. Таҳририятга келаётган кўплаб мактубларда жойларда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида қабул қилинган ҳаётий муҳим дастуриламаллар, республика Президенти фармонлари ва Вазирлар маҳкамасининг **қарорлари** амалиётга изчил татбиқ этилмаётганлиги ҳақида очиқ-ойдин ёзилмоқда. Халқимиз катта орзу-умидлар билан сайлаган депутатларнинг айримлари ўз бурчларини сидқидил адо этмаётганликлари тўғрисидаги хат-хабарлар ҳам талайгина. Оқибатда ҳатто ошкораликнинг ҳозирги босқичида маҳкамадан маҳкамага қатнайверib муроди ушалмаган, кўнгли таскин топмаган, етишмовчиликларию ҳасратлари ҳадсиз-ҳисобсиз одамлар мадад сўраб Тошкентга, рўзномамиз таҳририятига келмоқдалар. Агар улар республиканинг турли бурчакларидан ташриф буюраётганликлари, оворагарчилик айни нарх-наво ошган, транспортнинг йўл ҳақи икки ҳисса кўтарилган паллада рўй бераётганлиги назарда тутилса, бунга асло тоқат қилиб бўлмайди. Инсонга, унинг ташвишу изтиробларига эътиборсиз қарашга ҳар қанақа даражадаги раҳбарнинг, ҳатто халқ вакилининг ҳаққи йўқ.

Шуларни ҳисобга олиб, **«Халқ сўзи» таҳрир ҳайъати маҳаллий советлар фаолиятию турмушнинг ичкарисига янада чуқурроқ кириш, ишчию пахтакор, соҳибкору чорвадор, қурувчию муаллим, саломатлик посбонию хизматчи, қарию ёш — халқ вакиллари ва уларни сайлаганлар юрагидаги пинҳона гапларни эшитиш, дарду қувончига шерик бўляш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ҳал этилишига имкон доирасида ёрдам кўрсатиш, шу тариқа шикоятчиларнинг (аслида шундаймикин?) самаралн ва бесамар бордикелдиларнинг олдини олиш, қолаверса, баҳонаю шариф одамларнинг рўзномамизга бўлган муносабатларини ўрганиш, фикр-мулоҳазалари, истагу тилакларига қулоқ солиш мақсадида ҳар ойда республика вилоятларининг муайян районида ОШКОРА МУЛОҚОТ** ўтказишга қарор қилди. Зеро, фақат кенг омманинг иштирокигина матбуот таъсирчанлигини оширади, қамров кўламини кенгайтиради, ахборотлар дунёсини бойитадики, бу ҳол айниқса номи мақсаду маслагининг чин моҳиятини ифодаловчи «Халқ сўзи» учун муҳим аҳамият касб этади.

ТАНЛОВМИ ЁКИ ЮҚОРИНИНГ КЎРСАТМАСИ?

Дастлабки ошкора мулоқотнинг макони этиб нега Сирдарё вилояти, қолаверса, айнан Оқолтин райони танланди? Сир эмас: ҳозир қишлоқлардаги аҳвол, таъбир жоиз бўлса, илвираб турган увадани эслатади. Қайси соҳага кўз ташламанг ёки қўл урманг, ўпирилишга, инқирозга дуч келасиз. Бор «айби» ноз-неъмат яратишдан иборат кишиларнинг турмуш тарзи ночор, пештахталарда моллар тугул ҳатто егуликнинг ўзи танқис, Гарчи йил бошида республика ҳукумати қабул қилган тадбирлар аҳолини зарур моллар билан таъминлашни 1990 йил даражасида сақлаб қолиш имконини берса-да, ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши, нархларнинг осмон қадар ўсиши, ҳудудий алоқаларнинг бузилиши амалда барча турдаги маҳсулотларга талабу эҳтиёжни ғоят кескин кучайтириб юборди. Юзага келган ана шу вазият қўриқ вилоятда бошқа жойлардагига нисбатан оғир бўлса оғирки, асло дуруст эмас. Рўзнома таҳририятига тушаётган хат-хабарлар бунинг исботи.

Энди районга келсак, аввало мазкур масалада на халқ депутатлари вилоят Совети, на вилоят партия комитети «фалон туманда ўтказинглар» деб кўрсатма ёки йўл-йўриқ бермаганликларини эътироф этиш керак. Тўғри, бир вақтлар ана шу маҳкамаларда юқори лавозимларни эгаллаб турганларнинг ижозатисиз бирор ниятни рўёбга чиқариш мушкул эди. Ҳатто рўзнома муҳаррири йўлланмага имзо чекишдан аввал мухбирга уларнинг олдидан «ўтиш»ни маслаҳат берарди. Мамлакатда эсаётган ошкоралик, қайта қуриш шабадаси шарофати туфайли маъмурий-буйруқбозлик эски тартиботининг тамали мустаҳкам девори қийин бўлса ҳам бирин-кетин емирилмоқда. Иккинчидан, Оқолтин вилоятдаги йирик ва сертармоқ районлар қаторига киради. Бу ерда 50 дан ортиқ миллат вакилларн аҳл

(Давоми 2-бетда).

ФАРЗОНА

ҚАЛАМ АҲЛИДАН ҚУТЛОВ

Азиз элдошлар, ҳурматли мўмин-мусулмонлар! Сизлар диниимиз арконининг энг улуғ фарзларидан бири — Рамазони шариф ойини пок эътиқод, тоза ниймон ва сабр-бардош билан охирига етказдингиз. Бу муқаддас ойнинг илоҳий хислат ва фазилатлари ҳақида Қуръони мажид сураларида, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳ вассаламнинг Ҳадиси шарифларида, ислом олимларию файласуфларининг бебаҳо меросларида саҳиҳ далиллар бордир. Муборак Рамазоннинг яна бир муҳим жиҳати — у халқларимизнинг ўзига хос маънавий мероси эканлигидир. Бу анъанавий мерос минг йилдан зиёдроқ вақт давомида мусулмон халқларини бирлаштиришга, уларнинг ижтимоий турмушини янада яхшилашга хизмат қилади. Рамазоннинг одамлар ахлоқи ва маънавиятида тутган ўрни эса беқиёсдирким, бунга тарихдан ҳам, бугунги кундан ҳам шаҳодатлар бисёр.

Табаррук Рамазон ойи сўнгига етди. Бугун — катта ҳайит. Биз яна бир бор заҳматкаш элимиз, жами мўмин-мусулмон биродарларимизни ана шу қутлуғ айём куни чин дилдан қутлаймиз.

Ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

«Халқ сўзи» рўзномасининг ижодий жамоаси.

БИРИНЧИ ОШКОРА МУЛОҚОТ

(Давоми. Бошы 1-бетда).

яшаб, баракали меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ ўтган йили давлатга 67.000 тонна юқори нав пахта, 12.018 тонна бошоқли дон, 700 тонна ўринга 1.500 тонна сара узум ва бошқа хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳадя этилди. Ана шу соҳалардаги топшириқлар знёди билан уддаланди. Бунинг эвазига қарийб 20 миллион сўм самара олинди. Дарвоқе, қишлоқ саноатчилари эришган ютуқлар ҳам чакки эмас: 1990 йилда бурноғи йилга қараганда уч миллион сўмлик кўп маҳсулот тайёрлаб, савдо шохобчаларига етказиб берилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, 387 минг сўмликни ташкил этди. Даромаднинг кўпайиши ўз навбатида ижтимоий муаммолар ечимини жадаллатмоқда. Учинчидан, оқолтинликлар жорий йилда ўз районлари таваллуд топганлигининг 20 йиллигини нишонлайдилар. Тантаналар ғалвир сувдан кўтарилган пайтда — куз охрида бўлади. Ҳозир эса каттаю кичик ана шу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш ниятида енг шимариб ишламоқда. Байрамни ўтказувчи ташкилий комитет ўз фаолиятини аллақачон бошлаб юборган. Ва, ниҳоят, тўртинчидан — вилоятдаги «Халқ сўзи» муштарийларининг энг кўп қисми ушбу районда истиқомат қилади. Улар рўзноманинг ҳар сонини қизиқиш билан, орзиқиб кутаётганликлари бизга маълум. Бинобарин, обуначиларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш, ҳозирги иқтисодий танглик шароитида қандай яшаётганликларини кузатиш таҳрир ҳайъати учун ҳам фойдадан холи эмас.

«БУ 2-21-35 МИ?»

Ижодий гуруҳимиз сафарга отланишидан аввал мулоқот ҳақиқатан ошкора тарзда ўтишини таъминлаш, меҳнаткашларни маслагу мақсадимиздан олдиররқ огоҳ этиш ниятида «Халқ сўзи»да кичик хабар, «Оқ олтин» район рўзномасида эса «Ошкора суҳбатга чорлов» рукни остида «Халқ сўзи» ҳузурингизда» сарлавҳали каттагина мақола эълон қилинди. Иккинчисида муаллифлар номидан, жумладан, бундай дейилганди:

«Ассалому алайкум, муҳтарам оқолтинликлар! «Халқ сўзи» рўзномасининг қадрли муштарийлари!

Ранг кўр, ҳол сўр деганларидек, биз сизларнинг юрагингиздаги ҳис-туйғуларни, нечинмаларни, изтиробу ташвишларни биргаликда баҳам кўриш, қувончингизга шерик, оғриғингизга малҳам бўлишдек эзгу ният билан районингизга ташриф буюрдик. Бу ерда беш кун мобайнида икки томонлама ошкора мулоқот давом этади. Унда рўзнома мухбирлари билан ёнма-ён халқ депутатлари район совети, унинг ижроия комитети раҳбарлари, суд, ички ишлар бўлими, прокуратура ходимлари, халқ нозирлари ҳам қатнашиб, саволларингизни, шикоятларингиз ва фикр-мулоҳазаларингизни тинглайдилар, муаммоларни жойида ҳал этишга ҳаракат қиладилар.

Мулоқотда иштирок эта олмайдиган, яъни бунга имкони бўлмаганлар учун халқ депутатлари район совети котиби (девонбеги) хонасидаги 2-21-35 ва 2-18-96 номерли телефонлар хизматга шай туради. Бундан ташқари биз жойларга бориб, сиз — қадрдонлар билан иложи борича кўпроқ учрашувлар ўтказишга интиламиз.

Қўлимиз кўксимизда, азизлар! Барчангизни ошкора мулоқотга лутфан таклиф этамиз».

Ушбу даъват рўзномада ёритилмасдан бир ҳафта муқаддам хўжаликлар ва ташкилотларга қуйидаги тахминий саволларнинг тарқатилгани ҳам ишнинг силжишига кўмаклашди:

«1. Президент фармонлари қандай бажарилмоқда?

2. Халқ депутатлари район совети ва унинг ижроия комитети раҳбарлари ҳамда ходимларининг ишидан қониқяапсизми?

3. Ўзбекистон ССР халқ депутати, вилоят, район, қишлоқ (кўрғон) советларига сайланган халқ нозирлари талаб даражада ишлаяптиларми? Уларга қанақа таклифларингиз ва эътирозларингиз бор?

4. Алоқа хизмати яхши йўлга қўйилганми?

5. Прокуратура, суд ва милиция маҳкамалари ишига баҳоингиз?

6. Ўзингиз меҳнат қилаётган хўжалик, корхона, ташкилот ва муассаса мутасаддилари фаолиятидан кўнглингиз тўляптими?

7. Тиббиёт хизматининг аҳволи қанақа?

8. Халқ таълими, мактабгача тарбия масканлари иши ҳақида нима дея оласиз?

9. Транспорт хизматидан норози эмасмисиз?

10. «Халқ сўзи» рўзномасида эълон қилинган мақолалар, кўтарилган муаммолар сизга манзур бўляптими? Келгусида унинг саҳифаларида қайси мавзуларда материаллар ёритилишини хоҳлайсиз?»

Душанба, яъни мулоқотнинг илк куни эрталаб биз халқ депутатлари район совети котиби Ҳайитбой Баҳриев хонасида тўпланишга келишувдик. Белгиланган соатда ичкарига киришимиз биланоқ девонбеги телефон гўшагини қўлимизга тутказди.

— Алло, бу 2-21-35 ми?

— Янглишмадингиз, «Халқ сўзи» рўзномаси вакили эшитади...

ТАРБИЯЧИ ФЕРУЗА ЖЎРАЕВА ИЗТИРОБЛАРИ

Ҳозиргина қўнғироқ қилган аёл — Абдалин номли давлат хўжалиги ҳудудидаги «Юлдузча» болалар боғчасининг тарбиячиси Феруза Жўраева бўлиб, у бир гуруҳ ҳамкасблари номидан ўзи ишлаётган жамоага албатта боришимизни ўтиниб сўрарди.

— Тинчликми?

— Сабабини келганларингиздан кейин айтамиз.

140 нафар кичкинтойга мўлжалланган бу боғча биноси кўркам ва ҳашаматли. Ташқи кўриниши жиҳатидан у шаҳардаги анча-мунча тарбия масканларидан қолишмайди.

— «Усти ялтироқ, ичи қалтироқ» деган мақол баайни шу иморатга атаб тўқилгандай,— деди Феруза кутилмаганда бизнинг таассуротларимизга ҳира чизиқ тортиб. — Қаранг, ички деворларга ота замонамиздан буён бўёқ тегмаган. Болаларнинг яйраш-чақчақлашишлари учун жиҳозлару ўйинчоқлар етишмайди. Мана, нлиқ кунлар бошланганига анча бўлди. Бундан деҳқон қувонса, бизнинг жонимиз ҳалак. Негаки, холодильник йўқ. Тез бузиладиган гўшт ва сут маҳсулотларини ёзда қаерда сақлашимиз гумон. Газ ва ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси, билмадим, яна неча йиллардан кейин ҳал этиларкин?

Шодлик қишлоқ советининг раиси Қундуз ХУЖАБЕКОВА жавоби:

— Феруза хон тилга олган муаммоларнинг сўнггисидан ташқари ҳаммасини узоғи билан бир ой ичида тахтлаб берамиз. Газ ва ичимлик сув масаласи режага мувофиқ келгуси йилда ўз ечимини топади.

Шу куни давлат хўжалиги бош бухгалтери Набижон Деҳқонов билан ҳам учрашишга тўғри келди.

— «Юлдузча» болалар боғчасининг тарбиячилари ва энагалари ҳанузга қадар ойлик маошлари ошмаганликлари, район марказида ишловчи ҳамкасблари каби тегишли имтиёзлардан фойдалана олмаётганликлари ҳақида куйиниб гапиришди. Бунинг сабаби нимада?

— Сардоба (район маркази)даги мактабгача тарбия болалар муассасалари халқ таълими бўлимининг тасарруфида,— тушунтирди у.— Шу боисдан тарбиячилару энагаларнинг ойлик мояналари юқори. Устига устак, бариси хонадонг солиғидан бошлаб электр қуввати ҳақигача тўламайди. Биз эса «Янгиерцелинхлопок» трестига бўйсунамиз. Қизларнинг ҳақли талаби юзасидан ана шу ташкилот раҳбарларига мурожаат қилганман. Бироқ ҳалигача хабар келмади.

Қизиқ, буни қандай тушуниш мумкин?

ЭЪТИРОФ

Куннинг иккинчи ярмида қабулхонага жиккак йигит шитоб билан отилиб кирди-ю, саломаликни ҳам унутиб, томдан тараша тушгандай ўдағайлади:

— Районда тартиб борми ўзи?!

Биз ҳайрат оғушида девонбегига юзландик. У хижолат тортгандек ўрнидан турди-да, столни айланиб ўтиб, босиқ алфозда чақирилмаган меҳмонга мулозамат кўрсатди:

— Чарчаган кўринасиз, ука, курсига ўтиринг. Бир пиёла чойга таъбингиз қалай?

Ҳайитбой ака афтидан бундай дилхиралликни кўраверіб дийдаси қотганга ўхшарди. Йигит бўлса мулойим лутфни қутмаганми, аввал хонадагиларга бир-бир разм солди, сўнгра ерга қараганча эшитилар-эшитилмас овоз чиқарди:

— Кечирасизлар, мен... дўхтирхонада демоқчийдим...

Орага сукунат чўкди. Бироздан кейин жимликни гуруҳ бошлиғи Йўлдош Исмоилов бузди.

— Ўзингизни таништирмадингиз-ку, жўра?— деди у.

— Сизлар «Халқ сўзи»данмн? Мен нажот истаб ҳузурингизга келувдим. Шошилганимдан... Ҳа, айтгандай, менинг отим — Сотволди, фамилиям — Обидов. Механизациялашган 43-кўчма колоннада шофёрман.

Маълум бўлишича, унинг эски дарди — ошқозон яраси хуруж қилгач, ишни ташлаб эрталабоқ дўхтирхонага келибди. Лекин ички касалликлар шифокори М. Шамағдиева йўқ экан. Уни нақ тушгача кутибди. Тоқати тоқ бўлганда кнмдир районга рўзиома вакиллари келишганини айтибди. Кейин бемор бу ёққа югурибди.

— Бутун бошли районда битта врачга ёлчимасак-а!— деди Сотволди. Унинг овози оҳангидан алам, илтижо бирга қўшилиб, таранг тортилган рубоб торлари мисол инграгандай туюлди.

Биз воқеани ойдинлаштириш мақсадида сим орқали даҳол поликлиника бош ҳакими Эргаш Шодиев билан боғландик.

Эргаш ШОДИЕВнинг эътирофи:

— Ҳозир терапевт М. Шамағдиеванинг бир ўзи ишламоқда. У бу ерда ташқари касалхонада ҳам, «Тез ёрдам»да ҳам навбатчиликда туради. Бизда маҳаллаларга бириктилган шифокорлар йўқ. Чунки кадрларга муҳтожмиз. Икки йилдирки, ўсмирлар соғлиғини назорат қилувчи врач, онколог, эндокринолог, фтизиатр, ревматолог мутахассисликлари бўйича ҳакимларни кутяапмиз. Бу ҳол қатор қийинчиликларни туғдирмоқда. Устига устак, шароитимиз ҳам оғир. Хўжаликларда номигагина врачлик амбулаториялари мавжуд. Аслида бариси фельдшерлик пунктларидан фарқ қилмайди.

Бироқ, табиийки, бош ҳаким юқорида қайд этган муаммоларнинг аксариятини кўриқ район шароитида ечиш амри маҳол. Шу боисдан «Халқ сўзи» рўзномаси таҳririяти Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилиб, чўлқуварларга ёрдам қўлини чўзишларини, бу юмушни пайсалга солмасликларини сўрайди. Оқолтинликларнинг талаби ва илтимоси ҳам шу.

БИР ХЎЖАЛИКДА ИККИ МУАММО

Телефон узоқ жирингланди.

— Тошкент ёки Гулистондан сўрашаётган бўлса керак,— деди Ҳайитбой Баҳриев тараддуланиб.

Йўқ, Ризамат Мусамуҳамедов номли давлат хўжалигидан Сайфиддин Кубаев қўнғироқ қилган экан.

— Мен шу хўжаликда кадрлар бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлайман,— деди у ҳаяжонли овозда.— Бир масалада ёрдам беришларингизни илтимос қиламан...

— Гапираверинг, Сайфиддин ака, қулоғимиз сизда...

— Шу денг, бу йил оиламиз 218 сўмлик рўзнома ва ойномаларга обуна бўлган. Лекин тегишли нашрларни, жумладан «Халқ сўзи»ни ўз вақтида ололмаяпмиз.

Кадрлар бўлимининг бошлиғи алоқа хизматидан арз қилаяптими, ишчи муштарийнинг ҳоли вой деяверинг! Биз район алоқа бўлнмининг бошлиғи А. Абдукалилов билан суҳбатлашиздан олдин хўжалик почтальони Усмонали Расуловга учраб, нашрларнинг кечикаётгани сабабини сўрадик.

— Рости, сўроқлар ҳиқилдоғимга келди,— деди у асабийлашиб.— Худди мен айбдордек, ҳамқишлоқларим ҳам ҳоли-жонимга қўйишмайди. Аслида райондаги маҳкамада ўтирганларни тебратиш керак. Сабаби — биз нашрларнинг 3—4 кунлигини бир кунда оламиз. Бу ҳақда раҳбарларга айтавериб чарчадим.

Район алоқа бўлимининг бошлиғи А. АБДУКАЛИЛОВ изоҳи:

— Усмонали ҳақ. Камчиликларга барҳам бериш чоралари кўрилмоқда. Бироқ шундай муаммолар борки, уларни ҳал этмасдан туриб ишда ўзгариш ясаш мушкул. Биринчиси — ёнилғи масаласи. Бензин йўқлиги сабабли машиналар кўпинча бекор туриб қолаяпти. Иккинчидан, транспорт воситаларининг аксарияти эски. Эҳтиёт қисмлар эса етишмайди. Ниҳоят, сўнггиси — ходимларимизнинг маошлари оз. Почтачи бор-йўғи 80 сўм мояна олади. Бу пул билан бозор иқтисодиёти шароитида тирикчилик ўтказиб бўладими? Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги раҳбариятининг марҳаматига умид қилиб яшаяпмиз.

Мазкур совхозга борганимизда кўпчилик шийпонларда яшаётганлигинииг гувоҳи бўлдик. Боисини суриштирсак, бир оқсоқол:

— Деҳқон ва унинг оиласи дала бошида яшайди-да. Чунки тнрикчилигимиз шу ерда кечади,— деб жавоб қилди.

Гарчи отахоннинг гапларида мантиқ бўлса-да, суҳбат асносида ҳақиқий аҳволнинг хашаги очилиб қолди. Хўжаликда аҳолига томорқа ва уй-жой қуриш учун ер ажратишга панжа орасидан қаралмоқда. Бу ҳол кадрлар қўнимсизлигини вужудга келтираяпти. Айни пайтда жамоада, айниқса 1-бўлимда заминдан нотўғри фойдаланиш, талон-торож қилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Бунда бнзга район халқ назорати комитетининг ранси П. Синдоров раҳбарлигидаги гуруҳ ёрдам берди.

Орадан икки кун ўтгач, ана шу ишнинг натижаси билан қизиқдик.

— Даҳқиқат, Ризамат Мусамуҳамедов номли давлат хўжалигида ерни тасарруф этишда хўжасизликка ва жиддий нуқсонларга йўл қўйилган,— деди комитет ранси.— Бу масала мажлисимизда атрофлича муҳокама қилинди. Якунда совхоз раҳбарларига чора кўриш, 1-бўлим бошқарувчиси И. Бойбўсиновни эса вазифасидан бўшатиш ҳақидаги қарор халқ депутатлари район совети раёсатига киритилди. Ўйлайманки, ҳақиқат тантана қилади.

МАШИНА МАШМАШАСИ

Уруш ва меҳнат ветерани Акром ота Ҳамдамов «Партия XXIII съезди» давлат хўжалигида истиқомат қилади. У билан «штаб»да, яъни халқ депутатлари район совети котиби хонасида танишдик.

— Ҳайитбой Баҳриевга жуда кўп марта учрашганман,— деди отахон дангалига. — Менга мухбирлар керак.

— Хизмат, оқсоқол?

— Ўн фарзандим бор, ўғлим. Хўжаликда сурункасига 22 йилдан буён ишлаб келаяпман. Худога шукур, рўзғоримизда каму кўст йўқ. Ҳамма нарса етарли. Лекин умидли дунё эканда, кеқсайган чоғимда иури дийдаларимга битта енгил машина олиб беришни ният қилувдим. Бултур навбатим иккинчи эди, бу йил эса олтинчига тушиб қолибман. Баҳриевга рўбарў келсам, «ижроком ҳал қилади» дейди, раисга учрашсам, «шошилма туринг» деб пайсалга солади. Кимга ишониш керак ўзи?

Акром ота бир парча қоғозни узатди. Бу халқ депутатлари район совети ижроия комитетининг 1990 йил 11 декабрдаги 216-р рақамли фармойиши бўлиб, унда А. Ҳамдамовга «ВАЗ-21063» маркали автомашина ажратилгани ёзилганди.

— Ўшандаёқ банкга пул тўлаб қўйгандим,— сўзида давом этди фахрий.— Бу орада чек икки марта алмаштирилди. Аммо ҳамон машинанинг қораси кўринмаётир.

Биз енгил автомобиль сотиб олувчилар рўйхатини кўздан кечирдик. Отанинг номи тўртинчи қаторда эди.

— Мухбирлар гувоҳ, Акром ака, апрель ойида машинани албатта оласиз,— деб қатъий ишонтирди котиб.

Мўйсафиднинг чеҳрасига нур ёғилгандай бўлди.

— Бир марта рост сўзладингиз-ов, Ҳайитбой! Шунисига ҳам раҳмат.

Акром ота Ҳамдамовга ўхшаб ижроком фармойиши қўлида туриб тегишли машинага эга бўлмаганлар сони ўндан зиёд эди: «Фарғона» совхозидан Усмон Орзиқулов, 5-мактаб муаллими Маҳмуд Туронов, мусобақа ғолиби Малика Тўйчиева... Ҳайитбой Баҳриев яқин муддат ичида ҳар қайсисига енгил автомобиль калити тегишини айтди. Холмат Маматқуловга эса даҳол балон ёзиб берди. У олти ойдан буён ана шу тақчил эҳтиёт қисмни ола олмай, сарсону саргардон экан.

ИЗОҲ:

Бу лавҳани ўқиб, газетхон Оқолтинда меҳнаткашларга енгил автомобилларни тақсимлаш масаласи жойида-ку деган хулосага келиши мумкин. Афсуски, бошқа жойларда бўлаётгани каби мазкур районда ҳам навбатни асоссиз равишда бузиш ҳоллари кузатилмоқда. Бир мисол. Механизациялашган 44-кўчма колонна бошлиғи М. Маметқулов 1990 йили ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, тўғрироғи, ижроком раҳбарларининг қўллаб-қувватлашлари туфайли «УАЗ-3303» маркали машинани ўз номига ўтказиб олганди. Яқинда ўша ҳокимият соҳиблари унга яна сахийлик қилишди: бу гал «Москвич-412» ҳадя этилди.

СУРАТДА: «Халқ сўзи» рўзномасининг бўлим муҳаррирлари Йўлдош Исмоилов (гуруҳ раҳбари) ва Икром Утбосаров (юқорида), Сирдарё вилояти бўйича мухбири Темур Абдураҳмонов район меҳнаткашларининг вакиллари билан суҳбатлашмоқдалар.

ҚАССОБГА ЁҒ, ЭЧКИГА ЖОН ҚАЙҒУСИ

Яна Шодлик қишлоқ советига боришга тўғри келди. Улуғ Ватан уруши фахрийси Суюн ота Қўнаров сим қоқиб, икки кундан бери марказий қўрғондаги озиқ-овқат дўконидан ун ололмаётганини маълум қилди. Нима гап?

...Дўкон ёнида шаҳардагидек нохуш манзара ҳукм сурарди. Навбатнинг охири кўринмайди. Сафда турганлар орасида чолу кампирлар ҳам, ўрта яшарлилару ёшлар ҳам, ҳатто мактаб ёшидагилар ҳам бор. Олағовур суронидан ким нима деяётганини англаш қийин. Ё тавба, қандай замонга дучор бўлдик-а?!

Бизнинг ташрифимиздан хабар топган қишлоқ совети фаоллари қаёқдандир пайдо бўлишди. Бироқ барибир тартиб изга тушмади.

— Уч ой бадалида бир марта шакар олдик, болам,— деди бошига оппоқ рўмол ўраган момо.— Биз-ку чидаймиз, лекин бачаларни алдаб бўлмайди-ку.

— Ун кеча келтирилган, бугун пешиндан бошлаб тарқатилаяпти...

Бизнинг аралашувимиздан кейин сотувчилар сони кўпайтирилди. Қариялар алоҳида гуруҳга ажратилди. Эртадан бошлаб эса маҳсулотларни маҳаллалар бўйича тарқатишга келишилди. Бу ишни ташкил этишни совет қошидаги ишчи назорати аъзолари ўз зиммаларига олишди. Шундан сўнг навбатда турган кишиларнинг бир қисми хотиржам бўлиб тарқалди.

— Нега одамлар уч ойда атиги бир марта шакар олишди?— сўрадик эски танишимиз — қишлоқ совети раиси Қундуз Хўжабековадан.

— Ўтган даврда фақат икки бор шакар келтирилди-да.

— Бу дўкон қайси савдо ташкилотига қарайди?

— Иккинчи ишчилар таъминоти бўлимига.

«ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мен, таъминот бухгалтери Х. Зиёвуддинов, Абдалин номли совхоз марказидаги Н. Ҳабибов мудир бўлган озиқ-овқат дўконига январь ойида 3 тонна, февралда эса 1.800 килограмм шакар берилганлигини тасдиқлайман.

Имзо».

Кўриниб турибдики, икки ойда (уч ойда эмас) ушбу дўконга 4 тоннаю 800 килограмм ширинлик келтирилган. Унинг 2 тоннаси тарқатилган, қолгани-чи? Бу жумбоқни ҳуқуқ-тартибот ходимлари ечишларига ишонамиз.

Штабга қайтсак, уч нафар қаҳрамон она кутиб туришган экан.

— Биз Усмон Юсупов номли совхозданмиз,— деди Малика опа Зоҳидова.— Йигирма йилдирки чўлдамиз. Ҳар қанақа юмуш бўлса, барисини баҳоли қудрат бажардик. Қараигки, биз энди ортиқча бўлиб қолибмиз.

— Нима учун бундай деяяпсиз?

Малика опа гапира олмади: бўғзига тиқилган йиғи хуружи халақит берди. Унинг ўрнига Насиба опа жавоб қилди:

— Тўғриси, озиқ-овқатдан қийналиб кетдик. Дўконимизга нимадир келганини эшитамиз-у, ҳар доим насибасиз қоламиз. Қаҳрамон оналарга берилган имтиёзларнинг кучи қаерда қолди? Кеча маҳалла комитети раиси Турғун Бастамовнинг ҳузурига кўмак сўраб борувдик, «Сенларга ким ўнталаб бола туққин деганди» деб ҳатто додимизга қулоқ солмади...

Эртасига Усмон Юсупов номли совхоз ҳудудидан мўътабар онахонларни ранжитган, қадрини ерга урган ўша тошбағир кимсани қидириб топа олмадик. Бир жуфт нордоигина каломимиз бор эди, айтолмасдан дилимизда армон бўлиб қолди. Хўжалик директори Омон Одилов у билан шахсан шуғулланишга ваъда бергач, кўнглимиз бироз таскин топди. Аммо «Оқ олтин» рўзномасининг шу йил 15 март сонида эълон қилинган «Маҳалламиз оқсоқоли» сарлавҳали мақолани ўқиб, ҳайрон қолдик: муаллиф Каромат Исроилова Турғун Бастамовни мусичадек беозор, барча муслиму мўминга қайишадиган табаррук инсон сифатида мадҳ этганди...

ТАКЛИФ ЮЗТА, ИСТАК ЮЗ БИТТА

Жума куни эрталаб райижрокомнинг мажлислар зали фаоллару депутатлар, хўжалик раҳбарларию меҳнаткашлар вакиллари, муштарийлару қизиқувчилар билан лиқ тўлди. Уларнинг ҳаммаси «Халқ сўзи» рўзномаси қунлари»нинг якуний йиғилишига тўпланганди. Уч соат мобайинда кўнгил тубида яширинган фикрлар юзага чиқди, ҳаётий муҳим таклифлару ўткир мулоҳазалар ўртага ташланди.

Жўрақул ТУХТАЕВ, Абдалин номли давлат хўжалигининг директори:

— Озиқ-овқат дастури ижросини рўёбга чиқаришда фермер хўжаликлари муҳим аҳамият касб этишини тажрибанинг ўзи исботламоқда. Биз қисқа муддат давомида ана шу мақсадга бир миллион сўмдан зиёд маблағ сарфладик. Бу — чакана сармоя эмас. Лекин ушбу пулга фермерларимиз ноиложликдан қўшниларининг жайдари молларини сотиб олишдики, оқибатда районда туёқ сони ўзгармай қолди. Уларни четдан келтириладиган зотлилари ҳисобига кўпайтирмасдан туриб биримиз икки бўлмайди.

Эсиргап МАМАДАЛИЕВ, фермер:

— Молимиз бор, хўжалик ем-хашак билан ҳам баҳоли қудрат таъминлаб турибди. Бироқ ўз еримизга эга бўлмас экамниз, ишда силжиш қилишга эриша олмаймиз.

Хўжамберди МУҚИМОВ, «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигининг механизатори:

— Ишонасизларми, бу ерга етиб келгунча йўлда иақ уч соат сарғайдик. Сабаби — бизда транспорт қатнови ёмон аҳволда. Буни йўлга қўйишнинг битта чораси бор: ўзимизда автокорхона ташкил этилиши керак. Наҳотки шундай катта районда бу муаммони ҳал этиш мумкин бўлмаса?

Оқолтин гидромелиорация техникумининг бир гуруҳ талабалари ва ўқитувчилари:

— Янгиер шаҳрида бир вақтлари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг филиали бўларди. Маориф, ўрта ва олий таълим вазирликлари бирлашгач, кўплаб ўқув юртлари қатори у ҳам қисқариб кетди. Ўзбекистонда қўриқ ерларни ўзлаштириш ўнғи — Мирзачўлда ана шундай олий даргоҳ тикланиши шарт. Биз-нинг техникумимиз моддий-техника базаси эса унча-мунча институтникидан қолишмайдики, унинг негизида муддаони амалга ошириш мумкин.

Қўлдошали МИРЗАЕВ, район суднинг ранси:

— Районимиз ҳудудида ўндан зиёд хўжалик ва йирик ташкилот бўлиб, бариси бир-биридан олисда. Транспорт йўқлиги сабабли зарурат туғилганда бу жамоаларда сайёр суд мажлисларини ўтказиш, айниқса аҳоли ўртасида ҳуқуқ-тартибот тарғиботини йўлга қўйишда қийинчиликларга дуч келинаяпти. Устига устак, биномиз талабга мутлақо жавоб бермайди. Ана шу муаммоларни ечишда «Халқ сўзи» рўзномасидан ёрдам сўраймиз.

Илҳом НУРИЛЛАЕВ, гидромелиорация техникуми парткомининг котиби:

— Жамоамизда «Халқ сўзи»нинг бирор сонини канда қилмасдан ўқиб бораяпмиз. Бизга Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Муҳтарама Улуғова, Ҳаким Саттори, Ҳабибулло Олимжонов ва Анвар Жўрабоевнинг чиқишлари маъқул. Улардан умидимиз катта. Шу боис меҳнаткашларнинг орзу-ўйлари, интилишлари, дарду ташвишлари чуқур ифода этилган материаллар кутамиз.

Раҳматилла Холдоров, «Чинобод» совхозининг ишчиси:

— Рўзнома саҳифаларида танқидий мақолалар кўпроқ ёритилса. Яна бир илтимосим шуки, бизнинг ҳудудий округимиздан СССР халқ депутати этиб сайланган Абдуғаффор Эсиргапов билан суҳбат уюштирсангизлар. Чунки унинг фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз.

Анвар ИСМАТУЛЛАЕВ, район маданият бўлими мудири:

— Рўзномада расмий материаллар иложи борича камроқ берилишини истардим.

Таклифлар, фикр-мулоҳазалар, истаклар... Уларнинг рўзномага тегишли қисмидан (булар биз учун ғоят ардоқли). ташқариси асосан Қишлоқ хўжалиги, Автомобиль транспорти, Олий ва ўрта махсус таълим, Юстиция вазирликларига тааллуқлики, таҳririят улардан ошкора мулоқотда кўтарилган ана шу муаммоларга манфаатдорлик нуқтаи назаридан эътибор беришларини яна бир карра сўрайди.

* * *

Алқисса, Оқолтин районида «Халқ сўзи» ижодий ходимлари иштирокида ўтказилган ошкора мулоқот ниҳоясига етди. Унинг қанчалик фойда ёки зиён келтиргани ҳақида, мана мақолани ўқиднгиз, ҳукмни ўзингиз чиқараверинг. Бизни мамнун этадиган ҳолат эса район меҳнаткашларининг фаоллиги, муштарийларимизнинг кўпайганлиги, уларнинг ўзлари ва жамоамиз ўртасидаги алоқа робиталарининг ялакат мағиздек мустаҳкамланганлигидан бевосита манфаатдорлигидир. Аслида нинт ҳам шу эди.

Йўлдош ИСМОИЛОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Икром УТБОСАРОВ,
Еркин ВОТИРОВ (суратқаш),
Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» рўзномасининг махсус мухбирлари.

Район маданият бўлими қошида тузилган «Дилноз» аскал-чолғу дастаси аъзолари халқ оғзаки ижоди намуналари: лапару тармаларни қойилмақом қилиб ижро этишади.

СУРАТДА: даста қатнашчилари «Сумалагим» ашулаасини айтишмоқда.

* * *

Чўлқуварларнинг ишаш шароитини бошқа минтақаларга таққослаганда рисоладагидек деб бўлмайди. Шунга қарамасдан улар эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидил ғайрат кўрсатишмоқда. Фарзандлар эса ота-оналари изидан бориб, меҳнатсевар, комил инсон бўлиб етиб етмоқдалар. Бунда 17-мактаб ўқитувчилари Дилором Сандқулова, Турсуной Ғозиева, Жўлар Хўжабекова, Зайтуна Сирожиддинова ва Малика Раҳматовранинг ҳиссаси беқиёс.

Навбатдаги ошкора мулоқот 22—26 апрель кунлари Жиззах вилоятининг Жиззах районида бўлиб ўтади.

Қалам учида алам

ҚИЗИЛҚУМНИНГ ХЎЖАЙИНИ КИМ?

1984 йили Қизилқумда еттита қадимий қўрғон қолдиқлари топилди. Археологлар булардан бирининг баландлиги уч метр, саҳни йигирма этти метр эканлигини аниқлашди. Ҳозирча Қулқудуқ топилмалари эрамиздан аввалги III—II асрларга мансуб эканлигини тахмин қилинмоқда. Жузқудуқ қўрғонлари тагидан топилган кўзалар, темир пичоқлар таоихи эрамиздан олдинги VI—V асрларга бориб тақалиши ҳақида тахминий фикрлар айтилмоқда.

Қулқудуқ ва Жузқудуқ топилмалари бир вақтлар бу ерда ҳунармандлар сулоласи мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Биз донишмандлик қилмоқчи эмасмиз. Аммо археологик қазилмалар Қизилқумда ҳаёт бир неча ўн асрлардан бери давом этиб келаётганидан кафолат беради. Аммо кейинги йилларда мана шу муқаддас тупроққа унинг эгалари сиғмай қолишди. Уларнинг ота-боболари ётган муқаддас қабрлар топталмоқда. Қизилқум узра аждодлар руҳи кезиб юрибди.

...Кеча ер бурғуловчилар яна ўтовга келишди.

— Отахон, энди кўчмасангиз бўлмайди, — дейишди улар.

— Яна қаёққа? — ҳайрон бўлди Айтбой ога.

— Бошқа бир жойга. Биз бу ерда эрта-индин қазиш ишларини олиб борамиз.

Бу жойларни Айтбой оганинг авлоди макон қилиб келганди. Қизилқум ога учун ота юрт. Бу ерда унинг аждодлари ётибди. Энди бўлса уни қадрдон маконидан ҳам ҳайдашмоқчи. Қизилқумда шаҳар пайдо бўлади деб ким ҳам ўйлабди. Эмишки, Қизилқумнинг таги тўла олтин. Бу олтинлар яна бир янги шаҳар қуришга етармиш. Кимлардир Айтбой оганинг тупроғини бир ҳовуч тиллага сотишини афзал деб билдилар.

Лекин Айтбой ога олтин конга бой ўлкада яшаб, нима наф кўрди? Унинг учун қадрдон бўлган яйловларни экскаваторлар ялмоғиздай кемириб бораяпти. Қизилқумнинг бундан ўттиз йил олдинги манзараси қани? Қуюқ саксовулзорлар Россиянинг улкан ўрмонларини эслатиб турмасмиди? Бугун эса улардан нима қолди? Йил сайин Қизилқум қудуқлари суви шўр бўлиб бораётгани бу ерда яшашнинг нақадар оғир кечаётганидан далолат эмасми?

— Ҳозиргидай ҳеч қачон қийналмаганмиз, — дейди Айтбой ога. — Юз йил мобайнида чучук сув берган қудуқларимиздан бугун ҳатто нордон сув ичолмаймиз. Ҳафтага бир марта сув машинаси келади. Бундай пайтда чўлда бир қултум сув баҳоси олтин баробарга чиқади.

Эллигинчи йилларнинг бошларида Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари ўрни чўл эди, десангиз ҳозирги ёшлар ишонишмаса керак. Қисқа муддат ичида бу шаҳарларда осмонўпар биноларнинг пайдо бўлиши ёшлар тўғул ҳатто кўзларнинг ҳайратини оширади... Ҳақиқатан ҳам бундан ўттиз йил бурун ҳаритада Зарафшон ва Учқудуқ деган шаҳарлар йўқ эди. Илгари бу жойлар Томди районининг яйловлари ҳисобланарди. Даврнинг шиддаткорлигини қаранг: яйлов ўрнида шаҳар, ўтов ўрнида кўп қаватли уйлар қад ростлади. Қизилқумнинг жарақ-жарақ олтинлари мана шундай қудратга эга.

Эсингиздами, Ғарб истилочилари Африка мамлакатларидаги бойликларни қўлга киритиш учун ўша жойларда аввало мустамлакачилик сиёсатини ўрнатганлар. Мустамлака мамлакатларда қазиб олинган табиий бойликлар Ғарб давлатлари хазинасига бориб тушаверган. Мен бу билан Қизилқумни мустамлакага қиёсламоқчи эмас эдим. Бу ерлардан қазиб олинаётган табиий бойликлар ўша жойнинг халқига хизмат қилмас экан, унда бебаҳо табиатимиз бағрига тиғ уришнмизнинг боиси нимада? Нега ҳанузгача СССР Атом энергетикаси ва саноати вазирлиги Узбекистон ССРда Мулкчилик тўғрисидаги қонунининг бажарилишига ошкора тўсқинлик қилмоқда? Ҳатто СССРда Мулкчилик тўғрисидаги қонунинг 20-моддасида шундай жумлалар бор: «Ер ва ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси шу территорияда яшовчи халқларнинг дахлсиз бойлигидир».

Аммо эллик йилдан бери қизилқумликлар бу бойликлар кимнинг манфаатига хизмат қилаётганлигини билолмай ҳайрон.

«1984 йил 14 сентябрь Қизилқум тарихини ўрганишда ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Шу куни геологлар посёлкаси Мурунтов яқинида 6.000 метрли қудуқ қазишга киришилди», — деб ёзган эдилар собиқ Навоий вилояти рўзномалари.

Шу муносабат билан аволят «Знамя дружбы» рўзномаси 1985 йил 16 сентябрь сонида Узбекистон ССР Геология вазирининг ўринбосари В. Горьковец суҳбатини босиб чиқаради. Суҳбатда, жумладан, шундай дейилади:

«Қизилқум — қаҳрий жавоҳирлар сандиғи. Унинг бағрида қимматли топилмаларнинг кўп турлари мавжуд. Ҳозиргача шунинг бир қисмини ўргана олдик, холос. Бугун бошланган чуқур қудуқ қазилиши шу ҳайрли ишнинг давомидир. У геологик қидирув ишларида янги истиқболларни очиб беради».

Тўғри, янги қазилма бойликлар кони ўша пайтда кимлардир юксак мукофотлар инъом этди. Аммо Томди районининг қадимий яйловларида ҳаёт аста-секин сўна бошлади. Чўпонлар ўзларининг ота яйловларини ташлаб кета бошладилар.

Қизилқумнинг жавоҳирлар сандиғи калитини СССР ўрта машинасозлик вазири Е. Славский ўз чўнтагига солиб қўйди. Мурунтов олтин кони атрофига бегона кишиларнинг киришларини ман этувчи белгилар ҳар қадамда пайдо бўлди. Ўшанда ҳеч ким ўз юртида бегона эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмади.

Иттифоқ Ўрта машинасозлик вазирлиги район раҳбарларини писанд ҳам қилмай қўйди. Энг серҳосил яйловларни вазирлик ўзиники қилиб олди. Совет Иттифоқида «меники, сеники» деган гап бўлиши мумкинми, ахир? Албатта, бўлиши мумкин эмас.

Зарафшон катта йўли чеккаларида фаввораллар отилиб турган ям-яшил дала ҳовлиларига бир назар ташланг. Боғи Эрамни эслатади. Томдида томчи сув тилла баробар бўлиб қолди.

— Илгари булоқларимиз кўп эди, — деб қолишди чўпонлар.

Қудуқларимизнинг суви чучук эди, — деб эслашади қариялар. Энди булоқларнинг кўзи беркилган. Қудуқларнинг суви шўрлади.

— Бунинг сабаби ўзимизга аён, — дейишади томдилик чўпонлар. — Зарафшон шаҳар бўлмасдан аввал Томдидан сув ичарди. Ҳатто Томдидан Зарафшонгача сув қувури ётқизилди. Кейин зарафшонликлар Амударёдан сув келтиришди. Бизнинг булоқлар суви ўз-ўзидан қурий бошлади. Бу ҳам етмагандай геологлар ҳамма жойни кавлаб ташлашган.

Кўп йиллар давомида Қизилқумда қидирув ишларининг олиб борилиши оқибатида Томдибулоқ чўка бошлади. Турар жойлар ёрилди. Раҳбарлар халқни тинчитишга киришишди: «Қўрқманглар, ер ёрилмайди». Йўқ ҳар тугул ер ёрилмади. Аммо томдиликларнинг ишончларига дарз кетди. Қизилқум ва унинг фуқаролари чор атрофдан эсаётган қуюн гирдобида қолган эдилар...

Қизилқумда «Ниначи ва чумоли» деб номланувчи масални тез-тез эслаб туришади. Масал чўпонларга: «Ёз ёпинчигингни ташлама, қишда ўзинг биласан», деган мақол мазмунини ёдга солади. Шу боисдан улар ўт-ўлан пишмай туриб, кетмон кўтаришиб, яйловга отланишади. Дағал ҳашак тўпловчи зарбдор бригадалар тузилади. Бу бригадалар икки йилга етадиган озуқа тўплаш мажбуриятини олишади. Мана салкам йигирма йилдан бери шундай зарбдор, бригадалар Қизилқумнинг чангини чиқаришиб, дағал ҳашак тўпламоқдалар. Хўш, бу билан Қизилқумда мустаҳкам ем-ҳашак базаси барпо этилгандир? Йўқ, 'аксинча — озуқа танқислиги туфайли ҳар йили минглаб қўй-қўзилар нобуд бўлмоқда.

— Ҳашак тўпловчи бригадалар шувоқни кетмон билан чопиб, бу бебаҳо ўсимликнинг илдизини ҳам қуритиб юбордилар, — дейди Томди районидаги Балиманов номли совхоз бош чўпони Барака Иноятов. — Трактор косилкалари ҳам кутилган натижалар бермади. Ҳозир Бариманов номли совхозда яйловларнинг 30 фоизи кўчма қум тепаликларига айланди. Қизилқум кенгликларига қурғоқчилик бало қазодай даҳшат солиб турибди. Эндиликда томдиликлар қўшни Қозоғистон яйловларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар. Чунки Қозоғистон ерлари анча серҳосил. Қозоқ дўстлар қишин-ёзин яйловлар унумдорлигини ошириш ҳақида ўйлайдилар.

— Бизнинг чўпонларимиз йил бўйи ташаббус кўтариб чиқишдан чарчашмайди, — дейди шу совхоз чўпони Марат Аймбетов. — Яйловлардан фойдаланиш бизда умуман ёмон. Сохта ташаббускорликдан кўра, ўзимиз ўсган тупроқнинг келажаги ҳақида ўйлашимиз керак.

Ҳозир жумҳуриятда пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш тўғрисида жуда тўғри фикрлар айтилаяпти. Бу чорвачилик учун ҳам катта аҳамиятга эга. Пахтакор хўжаликларда алмашлаб экиш яхши йўлга қўйилмас экан, озиқ-овқат дастурининг бажарилиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки, ем-хашакни узоқдан ташиб келтириш билан чорвачиликда туб бурилиш ясаш қийин. Ҳозир Қизилқумда мўл ем-хашак етиштириш имкони йўқ. Шунинг учун пахтакор хўжаликлар ғўзадан бўшаган майдонларга беда, маккажўхори, экиб, бундан кўп фойда олишлари мумкин. Бунинг учун чорвадорлар ем-хашак етиштирадиган хўжаликлар билан шартнома тузишга рози. Ҳар ҳолда бу чорвадор учун ҳам, пахтакор хўжаликлар учун ҳам фойда.

Маълумки, озуқакор хўжаликлар етиштирилган маҳсулотни сотишдан кўрадиган даромадлари салмоқли эмас. Чунки дағал ҳашакнинг давлат харид нархлари паст. Буларнинг ҳаммаси ем-хашак етиштирувчи хўжаликлар ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимларининг моддий манфаатдорлигига маълум даражада таъсир қилади. Агар ем-хашак етиштирувчи хўжаликлар моддий манфаатдорлиги қоракўлчилик совхозлари моддий манфаатдорлиги билан уйғунлаштирилса бормиди, қоракўлчилик совхозлари тармоқ маҳсулотлари етиштиришдан қанчалик манфаатдор бўлишса, ем-хашак етиштирувчилар ҳам ўз маҳсулотларини сотишдан шунчалик юксак манфаат кўрадилар.

Қизилқумликлар Орол денгизининг қуриб бораётганини бундан 10—15 йил олдин сезишганди. Кейинги пайтларда Томди районида яйловларида ўт-ўлан кескин камайиб кетди. Чўлнинг ягона ўсимлиги — саксоаул пайхон қилинди. Бир вақтлар умид билан қазилган қудуқларнинг суви қочди. Хуллас, Орол фожиаси Қизилқум кенгликларига ўзининг қора кўланкасини ташлади. Бу эса чўл кишиларининг яшаш шароитини қийинлаштирмоқда. Кейинги пайтларда Қизилқумда дарахт кўкартириш муаммо бўлиб қолди. Сув манбалари ўрнини шўрхок эгаллаб олаяпти. Ичимлик суани ташиб келтириш салмоғи ошиб бораяпти. Аслида Қизилқумда бундан эллик йил бурун қудуқ ва булоқлар сонини санаб, саноғига етолмасдилар. Энди улардан ном-нишон қолмади. Кейинги пайтларда биргина «Томди» наслчилик заводида ўттиздан ортиқ сув манбалари йўқ бўлиб кетди. Район отарларига сув ташиб келиш учун ҳар йили миллион сўм сарфланмоқда. Бу ердаги мавжуд чучук сув манбаларини кончилар эгаллашган. Улар артезиан қудуқларидан фойдаланишгани учун чўпонлардан сув ҳақини ундириб олишаяпти.

Ҳа, Қизилқум осмонида қора булутлар тўдаси тўпланмоқда. Авволлари ҳар йили уч ой меҳмон бўладиган баҳор ҳам яйловларга келмай қўйди. Серёғин баҳор фасли қариялар хотирасидан ҳатто кўтарилиб бораяпти. Чанг-тўзон оғушида қолган Қизилқумга эртанги кунни кимлар кўп кўришаяпти. Нега унинг қудуқларидан сув эмас, заҳар чиқаяпти? Нега чўпон уйларини қум гирдоблари ўз комига тортаяпти? Нега чўпон уйларига олиб борадиган йўллар кўмилиб бораяпти? Бу саволлар мени ҳам қийнайди.

Суҳбатимиз бошида Қизилқумда олиб борилган археологик қазилмалар бу ерда ҳаётнинг неча ўн асрлардан бери давом этиб келаётганидан гувоҳлик беради, дегандик. Демак бу юртнинг эгаси — қизилқумликлар. Эндиликда олтин ва бошқа қазилма манбалари топилиб бу ернинг хўжайини кўпайиб кетди. Улар бепоён яйловлардан маъдан излаб, Қизилқумнинг авра-астарини чиқариб ташлашаяпти. Чўпонлар қудуқ сувидан, қадрдон яйловидан маҳрум бўлишаяпти. Ахир табиий бойликлар ҳам чегаралангандир, қачондир улар тугаши керак-ку! Аммо илма-тешик бўлиб кетган Қизилқум асли ҳолига қайтармикан?

Унинг бағрида лолақизғалдоқлар яна алвон-алвон очилармикан?

Маҳмуд МАРДИ,
«Халқ сўзи»нинг Бухоро вилояти бўйича махсус мухбири.

Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги механизаторлари 120 гектар ерга маккажўхори уруғини қададилар. Бу ўтган йилдагидан 30 гектар кўп. Бундан мақсад тўйимли озуқани кўпайтириш, деҳқонларга уйда мол боқиш учун кўмаклашишдир.

СУРАТДА: сидқидил меҳнати билан нўпчиликка ўрнак бўлаётган механизатор М. Ашуров.

А. КОВТУН олган сурат (ЎзТАГ).

Акс садо

ЙИРОҚДАГИ ЎЗБЕК ҲИММАТИ

Афғонистон... Бу бизнинг хориждаги ягона сарҳаддошимизгина эмас, тақдири тақдирига туташ, тарихи тарихига эгиз, бир дарёнинг икки қирғоғидаги азалий ёндош, қондош, жондош халқ... Лекин Афғонистон деганда яна дилларни сўнгги ўн йилликдаги машъум, маънисиз, мантиқсиз уруш ўртаб юборади. Мана, Афғонистондан совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганига ҳам икки йилдан ошди. Лекин жафокаш юрт тупроғида ўқ унгани, ёнаётган тупроқ сўнгани, инграётган табиат уни тингани йўқ. Шўролар учун уруш расман тугади, лекин «адолат талаб» қилиб адолатсизликка учраган минглаб оилалар учунчи?! 13 мингдан ортиғининг уйига абадий қоралик осилик қолди. Асирликдаги 300 дан ортиқ навқирон, навжувон тирик қурбонлар тақдиричи? Уларга мотам тутайлик десак, руҳи сира тинчлик бермайди, чорлайлик десак, на макони, на сиёғининг дом-дараги бор...

«Халқ сўзи»нинг 15 февраль сонида Хондамир Тоҳир ўғлининг «Тирик қурбонлар» сарлавҳали мақоласини ўқиб, юқоридаги қайдлар ёдимдан ўтганди. Асирликдаги 13 ўғлон сафида фарғоналик Ғайрат Аҳмаджонович Ҳасанов борлиги сира тинчлик бермай қўйди. Беихтиёр муаллифнинг саволини такрорладим: «Унинг ҳоли нима кечди экан?»

Унинг оиласини излаб топишни, ота-онасига сабр-бардош, илоҳий ирода тилашни ният қилиб қўйгандим. Тасодифан қўлимга олис Америкоснинг Вашингтон шаҳридан бир танишимга келиб қолган хат тушиб қолди. Менинг эътиборимни тортган, кўнглимга ёруғлик солган сатрларни айнан келтирмоқчиман:

«Яна бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман. Марғилонлик ёш йигит Ғайратжон Аҳмад ўғли бу ерда соғ-саломат яшамоқда. Унинг ота-онаси нўп хавотир бўлишмасин. Ғайратжон яқинда ота-она ва ака-укаларини зиёрат этиш учун Марғилонга бормоқчи. Ҳозирча у пул жамғариш билан овора, Марғилондан ёки Тошкентдан уй сотиб олиш нияти ҳам бор. Буни унинг отаси Аҳмаджон домла билан учрашган пайтларингизда эслатиб ўтсангиз, нўнгилдагидек иш бўлар эди. Ғайратжонга ўхшаган бир неча йигитларимиз Америка, Англия, Арабистон ва бошқа мамлакатларда эсон-омон яшашмоқдалар».

Тақдирнинг зукколигини, карами кенглигини, адолат тарозисининг шайини бақувватлигини қарангки, биз «дом-даракси» кетди деб юрганлар баъзи яхшиларнинг саъй-ҳаракатлари билан омон-эсон юришибди. экан.

Ғайратжоннинг озодпарвари, асирликдан, дўзах азобидан тортиб олган ким эканлигини ахтариб Марғилонга бордим. Аҳмад домланн топиш қийин эмас экан. Ҳозир фахрийда, умрининг 43 йилини муаллимликка, она тили ва адабиётдан таълим беришга сафарбар қилган устозни бутун Марғилон яхши билар экан.

— Икки ўғлим, олти қизим бор, — дейди Аҳмаджон домла Ҳасанов. — Тўнгичим Аҳаджон ошпаз. Ғайратжон билим юртинқ битириб, пайвандчилик қилаётган эди. 1981 йилнинг кузида ҳарбий хизматга чақиришди. Уч ой Тошкентда бўлди. 1982 йилнинг январида Афғонистондан хат келди. Шундагина биз Ғайратжон Қобул шаҳрида, «чекланган миқдордаги» совет қўшинлари сафида эканлигини билдик. Хат ёзиб турди. Ўша йилнинг 12 апрелида ёзган охирги хатини 26 апрель куни олдик. Шундан сўнг хат келиши тўхтаб қолди. Уч-тўрт ой кутдик. Дарак излаб шаҳар, вилоят ҳарбий комиссариатларига бордим. Ҳеч ким аниқ гап айтмади. Бир ҳафта ТуркВО остонасидан жилмадим. Охири «Бу солдат харбий қисмда йўқ» деган мужмал жавоб олдим. Орадан икки йил ўтди. У билан ҳарбий хизматга жўнаган йигитлар қайтиб келишди. Бирга жанг қилганларнинг уйига бордим. Кимдир «бошқа қисмга ўтиб кетган эди», деса бошқаси юзимга маъноли тикилиб «аввал бирга эдик, кейин билмай қолдим, қаергадир жўнатиб юборди», деб жавоб берарди. 1984 йилда эса ҳарбий комиссариатдан «Ўғлингиз, Ғайрат Ҳасанов бедарак йўқолган», деган расмий жавоб олдик.

На тураримиз, на емишимизда ҳаловат бор. Тиқ этса эшикка қараймиз, Афғонистондан репортаж бўлса, ҳаммамиз экранга тикиламиз. Сингиллари Фотима ва Зуҳранинг тўйлари ҳам Ғайратжонсиз, юрагимизнинг бир четида армон билан ўтди. Энди умид учқунлари ҳам хиралашиб бораётган кезларда, 1988 йилнинг июнь ойларида, Ғайратжон 25 ёшга тўладиган кунларда хориждан хат келиб қолди. Не кўз билан кўрайлик, ўғлимдан экан. Унинг дона-дона қилиб битилган дастхатини дарҳол танидим.

Домла юқори навли қоғозга ёзилган хатни узатади. Тўрт варақ қоғоздаги армон ва соғинч, тилак ва ижобатлар саҳифалардан сизиб чиқаётгандай. «Афғонистонда бўлганимда бошимдан кўп фожиалар ўтди. Ўлим ёқасига бир эмас, бир неча марта бориб келдим, шукурким, ҳаёт қолдим. Арабистондан келган ўзбеклар мужаҳидлар қўлига асирга тушган совет аскарлари (асирлар) лагерларини кезиб, менга ўхшаган бир неча ўзбекни топдилар. Уларнинг ёрдами ва дастаги натижасида асирликдан озод бўлдик, аввало Арабистонга кетдик, сўнгра хайри-илоҳий байналмилал ташкилотнинг ёрдами билан менга ўхшаган ёшларни Европа ва Америкага ўқишга, ҳунар ўрганишга юбордилар».

— Яхшиям, дунёда яхшилик, саховат, инсонпарварлик, ватандошлик, сингари хислатлар сақланиб қолган экан, — дейди домла. — Қаранг, биз, «халқ душмани», «хонн» деб юрган хориждаги ўзбеклар қандай қимматпеша, саховатпеша кишилар экан. Кейин билсак ўғлимиз сингари асирларни қутқариб олишга асли марғилонлик, ҳозир Америкада яшаётган Рўзимат ака Умурзоқов сингари ватандошларимиз бош-қош бўлишган, уларнинг яшаши, ҳунар ўрганнши учун сармоя ажратишган экан. Ҳатто у муҳтарам зот етмиш ёшдан ошганига қарамай уруш бўлаётган жойларгача бориб келибдилар. Яхшиям дунёда шундай кишилар бор! Рўзимат акага мингдан-минг раҳмат, олам тургунча турсинлар, юртимизга қадам ранжида қилишса пойларига қўй сўямиз, ҳурматларини жойига қўямиз!

— Мен, юқорида Америкадан йўлланган мактубни тилга олган эдим. Ана шу мактуб муаллифи ҳам Рўзимат ака эди. Камтарликни қарангки, Ғайратжонни қутқариб олишга бош-қош бўлгани, Арабистондан Америкага чақириб олиб, тарбиялагани, уй-жойли қилгани ҳақида бирор калом битмаган.

У кишининг жиянлари Дилбархон Мўминова тоғалари Рўзимат ака, урушдан аввал Марғилонда ўқитувчилик қилганлари, комсомол фаолларидан бири бўлганликларини, ҳатто оталарини кўмишда диний маросимларни ўтказганлиги учун комсомолдан ўчирилганда бир ойлаб Москвада ётиб олиб, адолатни тиклаганликларини гапириб берди. Урушда эса америкаликлар эгаллаган зонада асирликда бўлгани учун ҳам қолиб кетган эканлар. Кейинчалик тижорат, адабий изланишлар, тарих билан шуғулланишган. Ҳозир эса фахрийда. Ўғиллари Эркинжон эркин конструктор. Қизлари Зулфияхон фан номзоди, Вашингтон университетида ўқитувчилик қилган, ҳозир нуфузли «Америка янгиликлари» рўзномасининг иқтисодий муҳаррири. Тўрт неварани ҳаммасига ўзбекча исм берилган. Дилбархон опа Рўзимат ака Оролни қутқариш саъй-ҳаракатида ҳам фаол иштирок этаётганликларини гапириб қолди.

Тошкентга қўнғироқ қилиб, Оролни қутқариш комитети раиси Пирмат Шермуҳамедов билан боғландим:

— Хориждаги юртдошларимиз, айниқса америкалик ўзбеклар Оролни қутқаришда фаол иштирок этаяптилар. Яқинда Вашингтонда «Орол» комитети тузилибди. Рўзи Назар ака (у кишнинг тахаллуслари шундай) бу саъй-ҳаракатнинг ташкилотчиларидан ҳамда комитет раёсати аъзоларидан бири. «Вашингтон пост» рўзномасида Орол фожиасига бағишланган қатор мақолалар эълон қилинган. У киши «ҳаммамиз бир бўлсак, ҳамкорликдагина Оролни қутқариб қолишимиз мумкин» деганлари деган. Ҳозир комитет ҳайри-эҳсон маблағини тўплаяпти. Чет эл банки бўйича ҳисобимиз очилиши билан бу маблағ бизнинг ихтиёримизга ўтади. Яқинда Рўзи Назар ака ва «Орол» комитети фаолларини республика комитети аъзолигига қабул қилдик. Аъзолик билетларини эса куни кеча Вашингтонга жўнатиб юбордик.

Биз Рўзимат ака Умурзоқовларни ўзи шундоқ ҳам тилкапора қалбларини тирнаб, «хонн», «сотқин» деган тамғалар билан чаплаб ташладик. Уларнинг юртимиз, юртдошларимиз ҳақидаги саховатли ишларини кўриб кўрмасликка олдик. Ҳатто ошкоралик, адолатпарварлик кенг қанот ёзган ҳозирги кунларда ҳам улар нажот ва шафқат тилаб кўз тикаётган эшикларни энчлаб ёпиб қўйиш тараддудида бўлаяпмиз.

Балки бу эшикларни кенг очиб қўйиб, ярим асрлик адоватга чек қўядиган кунлар келгандир...

Ҳа, айтгандай, касбдошим Хондамирга айтиб қўймоқчиман. Сиз алам ва ўкинч билан «тирик қурбон» деганлардан бири Ғайратжон Ҳасанов — Рўзимат ака сингари олийжаноб ватандошларимиз ҳиммати туфайли соғ-саломат экан.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи»нинг мухбири.

МУАЛЛИФДАН: Хориждаги ўзбек ватандошларимдан ибрат олиб, ушбу мақоланинг қалам ҳақини Оролни қутқариш фондига ўтказишни сўрайман.

Бежирим, нафису кўркам газлама қайси аёлнинг қалбини ўртамайди, бамисоли холдек унинг эгнига ярашмайди? Марғилондаги ипакчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари ана шу эзгу ният йўлида астойдил изланмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ҳозир бирлашма корхоналарида ўндан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти.

СУРАТДА: назоратчи Моҳира Мирзаева (чапдан), кўргазмалар хонаси мудираси Хосият Муллажонова ва ҳисобчи Шаҳзода Мўминова тайёр газламаларни кўздан кечиришаётир.

Ҳ. МАМАДИЕВ олган сурат.

Долзарб мавзуда суҳбат

ОМОНАТ ОМОНАТЛИГИЧА ҚОЛАДИ

Республика аҳолисининг давлат қўлидаги омонати ёки давлатнинг ўз халқидан ички қарзи ҳозир 14,5 миллиард сўмга етди. Бу кассадаги пул, эркин сотиладиган ва харид қилинадиган заём, сертификат ва бошқа маблағлардан иборат. 50 ва 100 сўмликлар фавқулодда тез алмаштирилганидан сўнг омонат кассаларига, икки ой мобайнида бир миллиард сўм қўйилдики, унинг аксарият қисми 25 сўмликлардир. Авволлари шунча миқдордаги сармоя омонат банкларига икки йилда тушарди. Бунга яна аҳолига тўланадиган 40 фоизлик компенсация (товон), яъни 5,6 миллиард сўм қўшилади.

Ушбу маълумотларни республика Омонат банки ҳайъати раисининг биринчи муовини Н. Ф. МУҲИДДИНОВдан олдик.

— Нуриддин Фахриддинович, саросимага тушиб, ғанимат қолган аҳоли яна давлат банкидан нажот излаётганга ўхшайди. Лекин айни пайтда нўпчилик банкдаги жамғармамиз узоқ муддатгача қайтиб берилмасмиш, пулимиз баттар қадрсизланармиш, деб қўрқаяпти...

— Қўрқишга ҳожат йўқ. Чунки омонат эгаси зарур бўлиб қолганда ўзига тегишли пулни истаган пайтда қайтариб олиши мумкин. Куни кеча бўлганидек фақат 500 сўм эмас, албатта. Бундай чеклаш бекор қилинди. Энди товон тўлаш тартибини, бу тадбирни биз жорий йилнинг 1 июлигача тугатишимиз керак, оддий бир мисол орқали тушунтириб берсам. Айтайлик, омонат кассасида 5 минг пулингиз бор. Бунга 40 фоизли товон қўшилса, жами сармоянгиз 7 минг сўм бўлади. Товон сифатида тўланаётган 2.000 сўмнинг 200 сўми омонатингизга дарҳол қўшиб қўйилади (5.000 +200 = 5.200). Қолган 1.800 сўми махсус ҳисобда туради. Бошқача айтганда, у уч йилдан сўнг — 1994 йилнинг 1 мартидан бошлаб тўланади. Бу масалада ҳам омонат эгаси ҳеч ким ташвишланмасин. Агар сиз қиймматбаҳо буюм ёки уй-жой сотиб олмоқчи бўлсангиз, ўша маблағни олишингиз мумкин. Бунда иш пулсиз ҳисоб-китоб тарзида амалга оширилади. Айтгандек, товон пулига йилига 7 фоиз қўшилади. Ҳар ким асосий омонатини ўз билганича тасарруф этиши ёки унга яна қўшиши мумкин.

1990 йилнинг 1 ноябридан бошлаб омонатларга қўшиладиган фоиз ҳажми ошганлиги муносабати билан унинг эгалари ўз сармояларини янгитдан расмийлаштириб қўйишлари керак. Ҳали кеч эмас, бу юмуш шу йилнинг майигача давом этади. Дейлик, омонатчи муддатни беш йилга узайтирса, йилига тўққиз фоиз тўланади. Шунингдек, унга 1990 йил 1 ноябрь санаси битилган дафтарча берилади. Яъни расмийлаштириш қайси ойда амалга оширилганидан қатъий назар, ўтган йилнинг ноябридан бошлаб фоиз тўланаверади.

— 1982 йилги уч фоиз ютуқли заём облигациялари-чи?

— 2 апрелдан бошлаб 50 сўмлик облигация 70 сўмдан, 100 сўмлиги эса 140 сўмдан сотилади ва қайтариб олинади. Аҳоли қўлидаги қимматли қоғозларни айирбошлаш тартиби ҳам шундай. Баъзи одамлар тушунмасдан банкка келиб, «Мана облигация, менга товон пулини, яъни 20 сўмни беринг» деб талаб қилишмоқда. Аслида мана шундай ҳисоблаш керак: агар қўлингизда 1.000 сўмлик облигация бўлса, энди унинг қиймати ошиб, 1.400 сўмни ташкил этади. Ютуқ тиражлари олдингидек ҳар 1,5 ойда ўтказилаверади. Чиққан ютуқ эса чекланмаган миқдорда тўланади.

Суҳбатдош:
В. СТЕПАНОВА.

ТАҲРИРИЯТДАН: давлат ички қарзи, яъни аҳолининг банкларга қўйилган омонатининг тинимсиз нўпайиб бориши истеъмол бозорида қаҳатчиликни юзага келтирди. Савдода молу маҳсулот қолмади ҳисоб. Дўкон пештахталари эса бўм-бўш. Нарх-навонинг ошиши жонга ора кирармикин! Ёки у ярим оч-ярим яланғоч халқни шу кўйга солган хўжасизлик қаърига қумга сингиган сувдек ана сингиб кетармикин!

Кўнгиллар шод

«МЕҲР-ОҚИБАТ» ХИЁБОНИ

Бир пиёла чой устида суҳбатлашиш, дардлашиш, кўнгил ёзишга не етсин! Дилингиз яйрайди, чарчоғингиз унутилади. Аммо шундай алғовдалғов замонда чойхонада даврa қургани қурби етмайдиганлар-чи, яъни қўл калталик қилса-чи? Очиғини айтиш керак, узоқ йил орамиздаги ночор одамни яшириб келдик, камбағал кишилар ҳақида ломмим демадик. Аслида улар биз билан ёнма-ён яшаётганликларидан хабардор эдик. Биргина Андижон вилоятида кам таъминланган кишилар 208 минг нафарни ташкил этади.

Халқ депутатлари вилоят совети ёрдамга муҳтожлар билан учрашув ўтказди. Уларнинг беш минг наферига турли корхона ва ташкилотларнинг саховатпеша раҳбарлари бириктириб қўйилдилар. Ночорлар ҳолидан хабар олмоқ, ёрдам қўлини чўзмоқ ҳам қарз, ҳам фарз, ахир!

Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси вилоят бўлими қутлуғ ишга қўл урди. Андижон шаҳридаги Луначарский номли кўчани тасарруфларига олдилар. Аслида бу жой қаровсиз. Худди шу ерда «Меҳр-оқибат хиёбони»ни тикламоқ кўнгилга тугилди. Ёши бир жойга борib қолган, на фарзанди, на қаровчиси бўлмаганлар, бир оғиз ширин сўзга муҳтожлар, чойхонада кўнгил ёзсалар ёмонми? Қолаверса, хизмат кўрсатиш, чой, нон бепул бўлса. Гапнинг индаллоси, савоб иш бошлашди.

Шаҳар совети раиси, партия комитетининг биринчи котиби О. Отабоев, Узбекистон «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси вилоят бўлими раиси К. Турсунов ғайрат билан ишга киришдилар. Орадан кўп ўтмай, ҳувиллаб ётган кўчада шаҳар озиқ-овқат савдоси идораси дўконлари, «Техсложбитприбор» корхонасининг устахоналари, кўчма савдо пештахталари пайдо бўлди. Кўнглида эзгулик, ҳиммат кўрсатиш истаги бўлганлар «Меҳр-оқибат хиёбони»ни тиклаш учун жон куйдиришяпти: кимлардир ёғоч, бошқа бирор турли буюм, хуллас ҳамма топганини олиб келяпти. Энг муҳими, хиёбонда ночорлар учун жуда кўп савдо турлари, хизмат кўрсатиш бепул бўлади. Ҳатто соч-соқолни олдириш, кийим-кечакни тартибга келтириш ҳам миннатсиз бажарилади.

Харажатлар — хиёбонда ишловчилар учун маош, эҳсон қилинадиган маҳсулотлар ўрнини қоплаб бўладими? Уддасидан чиқилади. Жамғарма ҳисобига тушаётган маблағ эзгу ишларга сарф этилмоқда. Ҳозир Андижон шаҳрининг Клара Цеткин даҳасида, Парковая кўчасида жамғарма тасарруфидаги новвойлар бева-бечоралар учун бепул иссиқ нон ёпиб тарқатишаётир.

Эзгу умидлар рўёбга чиқай деганда совуқ гап оралаб қолди.

— Камбағаллар учун маскан қиламизми?

— Ночорлигимизни дастурхон этиб ёзиш кимга керак?

— Маза-матрасиз сўзларни оддий одамлар эмас, нуфузли одамлар тарқатишяпти. Қизиқ-да, саховатли, меҳр-оқибатли кишилар кўнгли ўксиб, нажот қўлини чўзиб турибсаю, савоб иш кимларгадир манзур келмасе-я!

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди, — куюнади шаҳар совети депутати Нозимжон Ашуров. — Қолаверса «меҳр-оқибат хиёбони» фақат ночорлар учун эмас, шу ерда истиқомат қилувчиларга ҳам хизмат кўрсатади. Муҳими, кам таъминланган оилалар учун беш мингта махсус гувоҳнома берамиз. Улар 16 турдаги хизматдан имтиёзли фойдаланадилар.

Жамғарма мутасаддилари «Зангори экран» бирлашмаси билан шартнома туздилар. Ёрдамга муҳтожларнинг телевизори бузилиб қолгудек бўлса, уларга бепул хизмат кўрсатилади. Қолаверса, жамғарма ҳисобида 6 та «Москвич», иккита ВАЗ автомашинаси, шунингдек 37 ижарачи бор. Қарилар ёки кам таъминланганлар, тўй-маъраса, бозор-ўчарга бормоқни истасалар буюртма беришмоқда.

Рамазон ҳайити мусулмон аҳли учун энг табаррук кун. Гиналар унутилади, қалбда эзгулик ниш уради. Меҳр-оқибатли кишилар ночор одамларни қутлуғ айём билан муборакбод этадилар. «Меҳр-оқибат хиёбони» ҳам шу куни очилади. Жамғарма ҳисобидан 18 минг сўмлик кийим-кечак, ҳайитлик тарқатилади.

Фозилжон ШОДМОНАЛИ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маънавий қадриятларимиз

ОЙБИНАК

ТУРҒУНЛИК йилларида қадимий Бухоронинг ўнлаб тарихий обидалари дарвозасига қулф солиниб, афтода ҳолга тушиб қолганди. Рости, шу заминда туғилиб ўсган биз, бухороликлар ҳам бу ҳолга кўникиб кетганимизданми, осори атиқалар ёнидан бефарқ ва лоқайд ўтиб борардик. Тарихимиз қайта кашф этилаётган бугунги кунда шаҳардаги ота-боболар қадамжоси қулфу банддан халос бўлаётир.

«Лаби ҳовуз» ансамблидан сал юқорига юрилса, катта гумбазли хонақо ва атрофлари меҳробли пешайвонлардан иборат масжидга кўзингиз тушади. Бу — Ойбинак масжиди. Яқинда бу ерда XVIII—XX асрларда металлга бадиий ишлов бериш Бухоро мактабининг музейи очилди. Музей кўргазма залини томоша қилар экансиз, мис ва бошқа рангли металларга ишланган бадиий асарлар, уста кандакорлар санъати беихтиёр ўзига ром этади. Бухоро, Қарши, Қўқон, Хива вилоятлари ҳамда Эрон ҳунармандлари қўли билан яратилган уч мингга яқин ноёб санъат асари музей фондини ташкил этган.

Амирлар хонадонида ишлатилган уй-рўзғор асбоб-анжомлари, кандакор уста Салимжон Ҳамидов ва шогирдлари ишлаган бадиий асарлар ҳам музейдан ўрин олган.

Катта илмий ходим Иродахон Азимова ибратли ривоят айтиб бердилар. Ёлғиз яшовчи бир камбағал аёл бўлган экан. У киши қўйлар боқилган яйловларни яёв кезиб тиканлар, саксовулларга илиниб қолган қўй-қўзи юнгларини мисқоллаб териб келиб, ип йигирар ва жун пайпоқ тўқир эканлар. Пайпоқларни сотиб жамғарган пулларига «менден авлодларга қолсин» деб шу масжидни қурдирган эканлар. Масжидга Ойбинак деб ном берганлар. Бу фақир заифанинг кимлиги ҳануз номаълум. Шаҳарнинг Жариб Калобод деб ном олган маҳалласи аҳли неча вақт масжидда намоз ўқиган. Узоқ қулфу банддан сўнг бу жой рус рассоми, тошкентлик Владимир Гладков томонидан музейга айлантирилди.

Муҳиба ҲАМИДОВА.

САЙР ЭТАРГА ЧАМАН БЎЛСА

Сайиллар синфий ғараз ёхуд ҳукумат қарори билан юзага келмаган. Уни халқнинг ўзи яратган, ҳар йили тараддуд билан орзиқиб кутиб олган, кексаю ёш биргалашиб нишонлаган.

Сайиллар Наврўзда, диний байрамларда, йилнинг қулай пайтларида ўтказилиб, бир неча кун давом этган. Тут, анжир, қовун ғарқ пишган кезларда ҳам сайил ўтказиш расм бўлганлиги маълум. Сайил — инсоннинг табиат қучоғига сафари. Кишилар жаннатмисол маъволарда яйраб дам олганлар, қалбларини кудурату ғубордан, аразу алмардан тозалаб, бир оила аъзолари каби иноқлашганлар, гўзалликдан баҳра топганлар, умрнинг ғанимат эканлигига имон келтиришган.

Халқ сайилларининг мусиқа ва санъат ривожига ижобий таъсирини кекса санъаткорлар эътироф этишади. Матёқуб ва Матюсуф Харрат, Мадраҳим Шерозий, Сафо Муғанний, Ҳожихон Ҳофизларнинг катта йўли саройлардан эмас, сайиллардан бошланган. Бола бахши Хиванинг Нуруллабой майдонидаги сайилда эл назарига тушганлигини ҳамон эслайди. Уннинг ҳикоя қилишича, тумонат халойиқ жам бўлган даврада одамлар катта достонни бошидан охиригача берилиб тинглаганлар. Тартиб, ўзаро ҳурмат ва одоб дастури барқарорлиги сайиллар файзига файз қўшган. Файзнёбликнинг яна бир бойси шундаки, у вақтларда шаробдан, ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилмоқ соғлом турмушнинг шарти эди, йигитларда орият, қизларда ҳаё ҳусн ҳисобланарди.

Ғамгин бўлсанг — дарёни кез, тошқин бўлсанг — авлиёни деган мақол бор. Кишилар жўшқин кайфият билан сайилга чиққан пайтларида ортиқча маҳобат ва исрофгарчиликдан ўзларини тия билганлар, инсонийлик бурчларини эсда тутганлар. Қадамжоларга бориб, бу дунёдан ўтганлар хотирасини эъзозлаш, ота-боболар, қариндошларнинг руҳларига дуо-фотиҳа қилиш маросимидан кейин сайиллар бошланганлиги сўзимизнинг далили бўла олади. Шундай муқаддас жойлар қаторида Султон Увайс, Абдуллоҳ Норинжоний, Шайх Мухторвали (Остона бобо), Юсуф Ҳамадоний каби қадамжолар, Кўҳна Урганчдаги «Уч юз олтмиш авлиё» номи билан машҳур зиёратгоҳлар ҳамиша халқ ташрифидан обод бўлган.

Сайилларни тиклашда ҳамма якдил эканлигига шубҳамиз йўқ. Аммо масаланинг яна бир томони бор. Юртимизда сайилбоп масканларни топиш амри маҳол бўлиб қолди. Дарё соҳилидаги ўрмонлар, кўл бўйидаги оромгоҳлар, хушманзара дарахтзорлар деярли йўқолган. Уларни қайта бунёд этиш, сайилгоҳлар яратиш, қадамжоларни обод қилиш муҳим вазифамиз бўлиб турибди. Бу хайрли ишга ҳамма ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Эзгуликнинг қадами азалабад қутлуғ. Табиат ато этган тароватдан, фасллар нашидасидан баҳраманд бўлган қалбга қувонч, меҳр-муҳаббат, сафо ва завқ ёр. Наврўзи оламга интиқ дилдар сайилларни ҳам соғиниб қолди. Истардимки, унга бутун эл шайлансаю юртимиз саҳни сайр этарга чаман бўлса...

Фозил ЗОҲИД.
Хоразм вилояти.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ҲАЙИТЛИГИ



Муқаддас Рамазон ойи ҳам интиҳоланди. Вутун мусулмон оламида шараф билан ўтказилган бу кунлар қалбларга софлик, умид бахш этди. Бу кунларда асил мусулмонлар қилган тоат-ибодатлар, мингу миллионлар тиловати, кечалари ўқилган тараббулар, қилинган хайру-эҳсонлару ўтказилган ифторликлар савоби шояд қурраминга, она заминимиз Ўзбекистонгача тинчлигу камолот, барака олиб келса.

Қутлуг ҳайит кунида қаноату ирода билан, рўзаи фарз тутиб, ўзгалар учун ҳам савоб иш қилган оталаримиз, оналаримиз, опа-сингилларимизу ака-укаларимиз ва ёрбиродарларимизга қутлуғимиз ва қуллуғимиз бўлсин!

Ҳайит арафасида жумҳуриятимиз ҳукумати Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасини

САВОБИ АЗИМ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси ихтиёрига берганлигини халқимиз мамнуният билан қарши олди.

Шу кунларда пойтахтнинг Чорсу бозори қаршисида таъмирланиши тугатилаётган «Калонхона» масжидига бугун минглаб мусулмонлар намозга келишди. 700 йиллик тарихга эга бўлган бу масжид қурилишига авлиё Шоҳазиз бошчилик қилган. Катта қабристонда қад кўтарган бу масжид деворларининг қалинлиги 1,5 метрдан ортиқ. 100 йиллар давомида элга хизмат қилиб келган, ота-боболаримиз қадамлари теккан бу масжиддан сўнгги вақтларда тегирмон, новвойхона, металлни қайта ишлаш цехи сифатида фойдаланиб келинган эди.

— Бу масжид ва атрофдаги маҳаллалар Каллахона деб юритиларди, — дейди масжид мутаваллиси Шамсиддин Ғиёс. — Истардимки, бундай аташ нотўғри эканлигини рўзномангиз орқали халққа билдирсангиз. Бу ерлар «Калонхона», яъни азизлар маскани деб аталган.

1901 йилда қурилган Тўхтабой Жомъе масжидида ҳам қайта тиклаш ишлари олиб борилаяпти. Масжид имом хатиби Обидхон Собитхон ўғли ҳукуматимиз ва диния бошқармаси томонидан кўрсатилаётган ёрдамга ташаккур изҳор қилиб, бундай уста Усмон ва наққош уста Абдумажидлар руҳи шод бўлади, дедилар.

Ботир Зокиров кўчасида очилган китоб дўконида эса дини исломга ихлос қўйган кишиларимиз Қуръон оятлари, ҳадислар, мамлакатимизда чоп этилган диний ойномаларни харид қилиши мумкин. Халқ олқишига сазовор бўлаётган Абдулла Умар ўғли харидорларни қизиқтирган китобларни танлашга ёрдам бермоқда. Олиб борилаётган бундай хайрли ишларга барака тилаймиз.

Маъмур НАЗАР.

СУРАТЛАРДА: хайрли ишлардан лавҳалар.

Даврон АҲМАДИ олган суратлар.

Чор Китоб

Ислом оламида «Нури мунзал» Қуръони шарифдан кейин иккинчи китоб ҳисобланади. Октябрь инқилобига қадар Қуръон асосида тоат-ибодат, [illegible]лим-мусулмонлик қўлланмаси сифатида яратилган «Чаҳор китоб» (Тўрт китоб) икки манзум ва икки насрий мажмуадан иборатдир.

Охирги китоб машҳур Фаридуддин Аттор қаламига мансубдир. Қолган уч китоб жуда қадим замонларда битилган ва қўлма-қўл бўлиб ҳозирги даргача етиб келган.

«Чор китоб»нинг ҳар бир муаллифи Қуръон ғояларини форсий забон элга тушунарли бўлиши учун шарҳ тарзида битилганлигини эътироф этадилар.

Мазкур китобда исломга мансуб барча шариат қонун-қоидалари, фарз, суннат, намоз ва рўза ҳақида фикр юритилади.

Таржима жараёнида ёдлаб олиниши лозим бўлган дуо ва салавотлар (муаллифлар тавсиясига биноан) асл ҳолида қолдирилди.

Таржимон: Олимжон БЎРИЕВ

БИРИНЧИ КИТОБ

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Худо номи бирла этурман баён,
Яратди икки ҳарфдан ер у осмон.
Ҳақ номини доим зикр этар тилим,
Уни атагайман мен жону дилим.
Молики соний ул, қадимул ҳаким,
Холиқу, розиқу, раъфу раҳим.
Баланду пастлиғда не бўлса охир,
Бари андин бўлди суратда зоҳир.
Унинг ибодати сидқу фарз ўлиб,
Барча элга даги мисли қарз ўлуб.
Ўқинг деб бизларга то берди китоб,
Билинг деб то бизга айлади хитоб.
Ҳар неки ул деди бажо этармиз,
Тоатига жонни фидо этармиз.
Ҳар неки ул деди, ғайрини қилғон
Фойдаси йўқ эрур, барчаси зиён.
Туну кун толиби қабулидирмиз,
Тобеъи уммати расулидирмиз.

САЙИДМУРСАЛИН САЛЛАЛЛОҲИ АЛАЙҲ ВАСАЛЛАМ НАЪТИ

Ҳақ шукрини пешво айлаб,
Пешво мисли Мустафо айлаб.
Улуғу суюмли тузук барчага,
Сарвари муҳр ила узук барчага.
Худойим дуоси анга шай бўлур,
Қиёмат кунида паёпай бўлур.
Уммату севикли адосидирмиз,
Унинг чорёрин фидосидирмиз.
Чун Абубакр, Уммару Усмон,
Муртазо бил алайҳим арризвон.

ПОКЛИҒ КИТОБИ ИБТИДОСИ ВА РАҲИМАҲУЛЛОҲҒА МУАЛЛИФ ТАЗАРРУСИ

Эй намозхон келу таҳорат қил,
Ўз дининг қасирини иморат қил.
Чун айласанг таҳорати зоҳир,
Ботининги ҳам ҳақ қилур тоҳир.
Ул таҳоратки қисми жисм эрур,
Зоҳирингни бари уч қисм эрур.
Баданингни ювиб агар пок қилсанг,
Сув бўлмаса агар қасди хок қилсанг,
Агар бу учовнинг шарҳини десак,
Шариат чаманнинг тарҳини десак,
Таҳоратда доим фарз ила суннат,
Сенга десам тўкис барин беминнат.
Сўнг намозу рўзани баён этсак,
Беш кунлиг умрда ҳар замон этсак.
Покланиб ўқимоқ керакдир намоз,
Дил бўлмоғи керак мақоми ниёз.
Меҳшар кунинги жонгудоз бўлур,
Авалги сўроғи, бил, намоз бўлур.
Сўнгра намозларда қилмагил хато,
Ул кун бўлур сенга саодат ато.
Санойи начоғ лутф этибдир гўзал,
Маъноий дурларин тешибдир туғал:
Узр, алар янглиг этолмам ижод.
Лекин ўз қадрича урнимоқ ҳар гал,
Бекору жимликдан доимо афзал.
Мен кучим етгунча айладим журъат,
Назм этдим фиқҳни баҳоли ҳудрат.
«Егил дин қайғусин, бу ғамки шандир,
Ва ўзга қайғулар бундан тубандир.
Ема дунё ғамин беҳудадир, бас,
Не тинчир бу жаҳонда билки бир кас!»
Мен ожиз айбими иқроридурман,
Не нодондек аҳмақ ёридурман.
Бундан олдин демиш қадимий аждод:
Уялтирма мени, агар унга мос,
Топиб кийдиролсанг бирорта либос.
Араб оти гарчи бўлади йўрға,
Ягир эшак эса юради зўрға.
Юзу етмиш байту ўн икки бобдир,
Дўстлар рўзғорига доир китобдир.
Мўъжизу дилпазир яралмишдир,
Шубҳасиз беназир яралмишдир.
Бу сенга ёдгор эрур шарефдан,
Жаҳонда номидур ҳамма тарафда.
Бухороден эрур насл, насаби,
Хуросондан эрур илм мактаби.
Ё илоҳий, бергил таъфиқ менга,
Йўл кўрсатгил сўйи таҳқиқ менга.

ТАҲОРАТ ФАРЗЛАРИ БАЁНИДА

Туну, куну, эртаю оқшом,
Таҳоратда тўрт фарз бор мудом:
Бошга маҳс тортилар уч йўл,
Ҳам ювилар юзу оёқ, қўл.
Тўртдан бири бошга маҳс фарз,
Лозимдир ул бамисоли қарз.

ТАҲОРАТ СУННАТЛАРИ БАЁНИДА

Таҳорат суннати бари ўн бўлгай,
Билган одам учун осон-жўн бўлгай.
Қўлни ювиш аввал, сўнг мисвок этмоқ,
Ҳақ номини айтиб, дилни пок этмоқ.
Ғарғара, масҳ тортиш ила истинжо,
Уч карра ювилар кейин ҳар аъзо.
Ҳам оёқ бармоғи ювилар бир-бир,
Мустафо суннати эрур бу, ахир.
Бурун чаймоқ яна дея бисмилло,
Дедим бу жумлани сенга мутлақо.
Узвинг ҳўл қилсанг гар раво эмасдир,
Сув тўкмоқлик ғайри хато эмасдир.

ТАҲОРАТ МУСТАҲАБЛАРИ (ЮЗОДАЛИҒИ) БАЁНИДА

Таҳоратда олти понизалик жам,
Нияту андин сўнг қолгани ҳамдам.
Тартиб ила бошга маҳс тортган соат,
Адабдан бошланур эзгу саодат.
Агар сен бешни гар жоиз билсанг,
Бўйин маҳсини ҳам шу боис қилсанг.

ТАҲОРАТ МАКРУҲЛАРИ БАЁНИДА

Оғизу бурунни чайганда яккеш,
Чап қўл-ла бажарган чоғида дилгеш.
Қаттиқ сув сачратсанг агар бетингга,
Ҳам назар айласанг ўв олатингга,
Ҳамда атайлабдан сувга тупурмоқ,
Истинжо маҳали эса гапирмоқ.
Агар ўнг томонга бурнингни қоқсанг,
Бўласан ўзингдан жирканиб дилтанг.
Бу олтовдан кимки бўлса нафратда,
Доимо қолар ул айшу роҳатда.

ТАҲОРАТ БУЗИЛИШИ БАЁНИДА

Олд-ортингдан ул не аён бўлгай,
Таҳоратингга сени зиён бўлгай.
Қону йириング агар равон бўлур,
Қайт қилганда агар оғзинг тўлур.
Намозда қаҳқаҳа бирла баҳушлиг,
Яна девоналиг ила маҳдушлиг.
Таҳорат бузилар мизғиганда бас,
Пинакка кетмасин такяда ҳеч кас.
Агар ушбулардан бўлса ким қоим,
Таҳорат жойида бўлади доим.

«Халқ сўзининг навбатдаги сони 18 апрель, пайшанба куни чиқади.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоҳба ТУЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУГОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилди 24.00.

Индекс: 64608. 5233-буюртма.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12